



Q M P T I

ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ
КОНСТИТУЦИЯСИ ХАЛҚИМИЗ СИЁСИЙ –
ҲУҚУҚИЙ ТАФАККУРИНИНГ
ЮКСАК НАМУНАСИ



ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИНИНГ
КОНСТИТУЦИЯСИ



ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИНИНГ
КОНСТИТУЦИЯСИ



ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИНИНГ
КОНСТИТУЦИЯСИ

ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ

**Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси
халқимиз сиёсий – ҳуқуқий тафаккурининг
юксак намунаси**



ТОШКЕНТ – 2021

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси халқимиз сиёсий – ҳуқуқий тафаккурининг юксак намунаси
Конституция Республики Узбекистан - высший пример политико-правового мышления нашего народа

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатимиз тараққиёти ва жамиятимиз фаровонлигини таъминловчи, халқнинг асрий қадриятлари ва анъаналари, интилишлари, орзу-истаклари, маданияти ва истиқболлини ўзида акс эттирувчи қомусий, тарихий, ҳуқуқий ва сиёсий-мафкуравий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида **“Мустақил тараққиёт йилларида Конституциямиз юртимизда ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти, эркин бозор муносабатлари ва хусусий мулк устуворлигига асосланган иқтисодий қуриш, халқимиз учун тинч, обод ва фаровон ҳаёт барпо этиш, Ўзбекистоннинг халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллашида мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда”**, - деб таъкидлаган эди.

Дарҳақиқат, бугунги кунда янги Ўзбекистонда Бош қомусимиз асосида инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи бўлмиш халқ ҳокимиятчилигини мустаҳкамлаш, аёллар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш, адолатли суд тизими фаолиятини йўлга қўйиш, ёшларнинг билим олиши, илмий фаолият билан шуғулланишини кафолатлаш каби масалаларда кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Шу ўринда муҳтарам Президентимиз ҳам ушбу тарихий ҳужжатни ишлаб чиқиш жараёнида бевосита иштирок этиб, мамлакатимиз Асосий қонунини тайёрлашда ўз муносиб ҳиссасини қўшганлигини алоҳида таъкидлаш ўринли.

Давлатимиз раҳбари ўзининг ҳар бир нутқида, албатта, Бош қомусимиз ҳақида тўхталиб, унинг мазмун-моҳияти, тараққиётимизнинг бугунги тарихий босқичида Конституцияни сўзсиз бажариш, ишлаб чиқиладиган барча қонун ҳужжатларининг унга мувофиқ бўлишини таъминлаш борасида кўплаб фикрларни билдиради.

Шунингдек, айти вақтда Президентимиз бошчилигида жамиятда ҳуқуқий онг ва маданиятни ошириш мақсадида, аввало, Конституцияни мунтазам равишда ўрганиб бориш масаласига жиддий эътибор қаратилиб келинмоқда. Хусусан, бу борада Давлатимиз раҳбари Конституция қабул қилинганлининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида **“ҳар бир соҳа ва йўналиш, таълимнинг барча босқичлари учун ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг илмий асосланган дастури тайёрланиши керак. Бунда, авваламбор, Конституцияни ўрганишга жиддий ёндашиш лозим. Умумтаълим мактаблари учун “Конституция алифбоси”, “Конституция сабоқлари”, “Конституция асослари” каби дарсликларни яратиш зарур, деб ҳисоблайман”**, деган эди.

Дарҳақиқат, ёшларни Конституция ва қонунларга ҳурмат руҳида тарбиялаш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Шу мақсадда, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳақида билдирган фикр ва мулоҳазалари ифода этилган маърузалари ягона тўплам ҳолига келтирилди.

Мазкур тўпландан илмий тадқиқот ишларини амалга оширишда, таълим муассасаларида дарс машғулотларини ўтишда, жамиятда ҳуқуқий тарғибот ишларини олиб боришда кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Шу сабабли айтиш жоизки, ушбу тўплам кенг жамоатчилик, хусусан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенат аъзолари, олий таълим муассасаларининг талабалари, илмий тадқиқот марказларининг ходимлари ва илмий тадқиқотчилари, амалиётчи мутахассислар учун фойдали манбаа бўлиб хизмат қилади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИ
ШАВКАТ МИРОМОНОВИЧ МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ
МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ВА СЕНАТИНИНГ
ҚЎШМА МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ**



Тошкент шаҳри, 2016 йил 8 сентябрь
Ҳавола: <https://president.uz/uz/lists/view/5>

Замонавий Ўзбекистоннинг тарихи – бу мамлакатимизнинг ҳақиқий мустақилликка эришиш йўлида Ислом Абдуғаниевич Каримов раҳнамолигида олиб борилган ўта мураккаб ва оғир курашлар тарихидир. Буюк Йўлбошчимиз ҳақли равишда демократик талаблар ва халқаро мезонларга тўлиқ жавоб берадиган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ҳам асосий муаллифи эдилар.

Мамлакатимиз тоталитар тизимдан воз кечиб, мустақил тараққиёт йўлини танлади, кўплаб қийинчилик ва синовлардан

ўтиб, тарихан қисқа даврда жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб ўрин эгаллади.

Конституция ва унинг негизида яратилган пухта қонунлар, шунингдек, Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ҳокимият институтларини шакллантиришни ва уларнинг тўлақонли фаолият кўрсатишини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, мулкчиликнинг барча турларини, фуқароларнинг давлат бошқарувидаги фаол иштирокини таъминлади.

Замонамизнинг буюк давлат ва сиёсат арбоби, узокни кўра биладиган раҳбар, олийжаноб маънавий ва ахлоқий фазилатлар эгаси бўлган бу улуғ инсон мен учун юксак идеал, ўз Ватани, ўз халқига фидокорона хизмат қилишнинг ёрқин намунасидир.

Сизларни ишонтириб айтаманки, Ислом Абдуғаниевич Каримов бизга васият қилиб қолдирган барча ҳаётий тамойилларга оғишмасдан, қатъий амал қиламан. У кишининг раҳбар доимо одамларнинг, эл-юртнинг дарду ташвиши билан яшаши, уларнинг орзу-ниятларини рўёбга чиқариш учун хузур-ҳаловатдан воз кечиб, ўзини аямасдан меҳнат қилиши керак, деган доно ўғитларини ўз фаолиятим учун асосий мезон ва талаб сифатида қабул қиламан.

Бу борада мамлакатимиз фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликларини, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига амал қилинишини таъминлашни, Ўзбекистон Республикасининг суверенитети, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини муҳофаза этиш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўришни, республика олий ҳокимият ва бошқарув органларининг ҳамкорликда ишлашини таъминлашни, яқин ва узок кўшни давлатлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришни энг асосий вазифа деб ҳисоблайман.

**“ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ ВА ИНСОН МАНФААТЛАРИНИ
ТАЪМИНЛАШ – ЮРТ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ХАЛҚ
ФАРОВОНЛИГИНИНГ ГАРОВИ”**



**Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат
Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси
қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали
маросимдаги маърузаси**

Тошкент шаҳри, 2016 йил 7 декабрь
Ҳавола: <https://president.uz/uz/lists/view/2>

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!
Ҳурматли хонимлар ва жаноблар!
Ватанимиз ҳаётидаги кутлуғ сана – Конституциямиз қабул қилинган кунни нишонлаш арафасида гўзал ва мухташам

“Ўзбекистон” анжуманлар саройида сизлар билан учрашиб турганимдан ғоят мамнунман.

Барчангизга, бутун халқимизга ўзимнинг чексиз ҳурмат ва эҳтиромимни изҳор этиб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллик байрами билан чин қалбимдан самимий муборакбод этишга рухсат бергайсиз.

1992 йил 8 декабрда мустақил Ўзбекистонимиз Конституциясининг қабул қилиниши мамлакатимиз ҳаётида муҳим тарихий воқеа бўлди.

Конституциянинг яратилиши ва ҳаётимизга татбиқ этилишида замонамизнинг буюк давлат арбоби, улуғ йўлбошчимиз, муҳтарам Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг хизмати беқиёс эканини барчамиз яхши биламиз.

Халқимизнинг онгу тафаккури, дунёқараши ва бутун ҳаётини тубдан ўзгартирган ушбу муҳим сиёсий ҳужжатни ишлаб чиқишда Ислом Абдуғаниевичнинг концептуал аҳамиятга эга, теран фикрлари мустаҳкам замин бўлди.

Олий Кенгаш депутати сифатида мен ҳам Конституциявий комиссия таркибида Бош қомусимизни яратиш ва қабул қилиш жараёнида бевосита иштирок этганимни доимо фахрланиб эслайман. Конституциямизнинг қандай қилиб ҳозирги мазмун ва шаклга келгани, бу мураккаб жараёнда кечган қизгин тортишув ва баҳс-мунозаралар бугунгидек ёдимда.

Ҳақиқатан ҳам, 90-йиллардаги ўта оғир даврда Асосий қонунимиз лойиҳасини ишлаб чиқишда Ислом Абдуғаниевичдек кенг миқёсда, стратегик фикрлайдиган, узоқни кўра оладиган буюк сиёсий арбобнинг бу ишга раҳбарлик қилгани ҳал қилувчи аҳамият касб этди.

Ёш давлатимиз эндигина оёққа туриб келаётган қалтис ва нозик бир вазиятда турли тор манфаатлар, маҳаллийчилик, сепаратизм ва миллатчилик каби салбий ҳолатларга мутлақо йўл қўйиб бўлмасди.

Асосий қонунимизда умумэътироф этилган демократик принциплар билан бирга, халқимизнинг бебаҳо қадриятлари ва бой давлатчилик тажрибасини ифодалаш муҳим эди.

Айнан Биринчи Президентимизнинг саъй-ҳаракатлари билан Конституциямизда “Инсон ва унинг кадр-қиммати” деган улуг тушунча марказий ўринга қўйилди.

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич Конституциямизнинг лойиҳаси бўйича 1992 йил 8 декабрда, Олий Кенгашнинг тарихий сессиясида сўзлаган нутқида қуйидаги фикрни алоҳида таъкидлаган эдилар:

“Биз сўнгги етмиш йил мобайнида давлатга қарамлик ва сиғиниш ҳолатида яшадик. Мамлакатнинг, ундаги барча бойликларнинг, мулкнинг эгаси давлат, деб ҳисоблаб келдик. Ана шу масалада ҳам Конституцияда туб бурилиш ясалган.

Яъни, Асосий қонунимизга “давлат, унинг идоралари ва мансабдор шахслари жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар”, деган модда киритилган.

Эндиликда инсон, унинг ҳаёти, озодлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқ ҳамда эркинликлари муқаддас саналиб, улар давлат томонидан қафолатланади”.

Биринчи Президентимизнинг ана шу фикрлари у кишининг давлат, жамият ва инсон ҳаёти билан боғлиқ ҳар бир масалага нақадар теран ёндашганидан, шу асосда Конституциямизда энг мураккаб саволларга ҳам жавоб топиш мумкин эканидан далолат беради.

Бир сўз билан айтганда, Ислом Каримовни ҳақли равишда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муаллифи, деб эътироф этиш учун барча асосларга эгамиз.

Қадрли дўстлар!

Мустақил тараққиёт йилларида Конституциямиз юртимизда ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти, эркин бозор муносабатлари ва хусусий мулк устуворлигига асосланган иқтисодиётни қуриш, халқимиз учун тинч, обод ва фаровон ҳаёт барпо этиш, Ўзбекистоннинг халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллашида мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Асосий қонунимиз фуқаролик жамиятининг таркибий қисми бўлган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва сиёсий партияларнинг шаклланиши, уларнинг эркин фаолият юритиши учун кенг имкониятлар яратди, сайлов тизимининг асосий тамойил ва қоидаларини мустаҳкамлади.

Бош қомусимиз Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва бошқа асосий халқаро ҳужжатлар талабларига тўла мос ҳолда, инсон ва фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларини кафолатлаб берди. Инсоннинг маънавий камол топиши ва ҳар томонлама уйғун ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар яратди.

Ўтган давр мобайнида Конституциямизда муҳрлаб қўйилган тамойил ва қоидалар негизида юртимизда миллий қонунчилик тизими барпо этилди. Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий салоҳияти юксалишига, ҳаётимизнинг барча соҳаларида амалга оширилган самарали ислоҳотларга асос бўлди.

Фуқароларимиз ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, уларнинг сиёсий фаоллигини оширишда ҳам Конституциянинг ўрни ва аҳамияти беқиёс эканини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Куни кеча мамлакатимизда бўлиб ўтган муҳим сиёсий воқеа – Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида халқимизнинг фаол иштироки эса бунинг яққол далилидир.

Азиз дўстлар, биз бу сайловни Биринчи Президентимиз Ислон Абдуғаниевич Каримовнинг сиёсий меросига ва у киши ўзининг чексиз меҳрини берган халқимизга муносиб тарзда ўтказдик.

Сайлов сиёсий партиялар ўртасида соғлом рақобат ва кураш, президентликка номзодларнинг сайловолди дастурларини эркин муҳокама қилиш шароитида ҳамда демократик принципларга тўлиқ мос келадиган ошкоралик ва очиқлик руҳида ўтганини мамнуният билан қайд этамиз.

Сайловларни мана шундай юқори савияда ташкил этган Марказий сайлов комиссиясига, округ ва участка сайлов комиссиялари аъзоларига, уларга кўмак берган барча фуқаролик

жамияти институтларига, сиёсий партиялар фаолларига самимий ташаккур билдиришга ижозат бергайсиз.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, сайлов жараёнида 5 та халқаро ташкилот ҳамда 46 та давлатдан 600 нафарга яқин кузатувчилар иштирок этдилар. Жумладан, илк бор Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг 32 та мамлакатга мансуб 200 нафарга яқин таркибдаги тўлақонли миссияси кузатувчилари қатнашдилар.

Халқаро кузатувчилар Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ ишларга юксак баҳо бердилар. Барча сайлов участкаларида сайловчиларга қулай шароитлар яратилганини, айниқса, жисмоний имконияти чекланган фуқаролар, турли миллат вакиллари учун сайлов ҳуқуқини амалга ошириш имконияти юқори даражада ташкил қилинганини эътироф этдилар.

Барча чет эллик кузатувчилар томонидан сайлов тенглик ва адолат принциплари асосида, очиқ ва ошкора ўтгани бир овоздан тан олингани ҳаммамизга мамнуният бағишлайди.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистондаги демократик ўзгаришларга катта эътибор бериб, сайлов жараёнида иштирок этган барча халқаро кузатувчиларга, маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари ходимларига ташаккур изҳор этамиз.

Азиз ватандошлар!

Мана шу юксак минбардан туриб, аввало, бўлиб ўтган сайловда менга юксак ишонч билдириб, мен учун овоз берган барча сайловчиларга, нуроний отахон ва онахонларимизга, мухтарам опа-сингилларимизга, навқирон ёшларимизга, кўпмиллатли бутун халқимизга ўзимнинг чексиз миннатдорчилигимни билдириб, таъзим қиламан.

Халқимиз ўзининг хоҳиш-иродаси билан мени мана шундай юксак лавозимга муносиб кўрганини ўзим учун олий шараф деб биламан. Сизларнинг менга билдирган юксак ишончингизни оқлаш

учун бор куч ва салоҳиятим, билим ва тажрибамни, бутун борлигимни сафарбар этаман.

Қадрли дўстлар!

Конституциямизда белгиланган қонун устуворлиги принципи жамиятимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, барча ислохотларни самарали амалга оширишнинг муҳим кафолатидир.

Ўтган даврда қабул қилинган 400 га яқин яхлит қонунлар ҳаётимизнинг барча соҳаларини ҳуқуқий тартибга солиш билан бирга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Айни вақтда қонунларнинг тўлиқлиги, ҳаётийлиги ва тўғридан-тўғри амалга ошириш механизмларига эга экани ҳақида сўз юритганда, бу борада ҳали кўп иш қилишимиз кераклигини таъкидлаш зарур.

Афсуски, ҳозирги кунда қонунларнинг ислохотлар самарасига таъсири етарлича сезилмаяпти. Уларнинг ижтимоий муносабатларни бевосита тартибга солишдаги роли пастлигича қолмоқда.

Бу ҳолат мамлакатимиз қонунчилик тизимига фуқароларимиз, тадбиркорлар, қолаверса, чет эл инвесторларининг ишончсизлигини келтириб чиқариши мумкинлигини унутмаслигимиз керак.

Аминманки, ҳурматли Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари бу масалага жиддий эътибор қаратадилар.

Бу борадаги ишларни ташкил этишда авваламбор қонун лойиҳаларини пухта ва ижтимоий муносабатларни тўғридан-тўғри тартибга соладиган даражада ишлаб чиқиш, айниқса, идоровий ҳужжатларни кескин қисқартириш зарур, деб ҳисоблайман.

Шу ўринда Ҳукуматнинг парламент билан қонун ижодкорлиги ва назорат-таҳлил соҳасидаги ҳамкорлигини янада самарали ташкил қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг Олий Мажлисида доимий асосда фаолият кўрсатадиган вакили лавозимини таъсис этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ҳаммамиз яхши тушунамизки, қонунларни қабул қилиш – бу ишнинг бир қисми, холос.

Асосий масала – қонунларнинг мазмун-моҳиятини халқимизга ва масъул ижрочиларга ўз вақтида етказиш, уларнинг ижросини тўғри ташкил этиш ҳамда қонун талабларига қатъий амал қилишни таъминлашдан иборатдир.

Афсуски, мазкур йўналишдаги ишлар талаб даражасида эмас. Бунинг оқибатида охириги уч йилда давлат органларининг 157 та қарори ўз кучини йўқотган қонунлар асосида чиқарилган.

Энди ўйлаб кўрайлик, қонунчиликка киритилаётган янгиликлар ўз вақтида жойларга, айниқса, ижрочиларга етказилмайдиган бўлса, уларнинг бажарилиши ҳақида нима дейиш мумкин?

Бу муаммони самарали ҳал қилишнинг бирдан-бир йўли – қонунлар ижросини ташкил этиш бўйича соатдек аниқ ишлайдиган механизм яратишдир.

Қонунларнинг мазмун-моҳиятини халқимизга етказишда Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларида битта-иккита мақола ёки кўрсатув билан чекланиш мумкин эмас. Қабул қилинган қонунларни атрофлича муҳокама қилиш, юртдошларимизнинг уларга муносабатини ифода этадиган таҳлилий материаллар, кўрсатув ва эшиттиришлар, афсуски, жуда кам.

Янги қабул қилинган қонунлар, фармон ва қарорларнинг асосий маъносини аҳолига етказиш бўйича самарали механизм яратиш керак.

Ҳозирги кунда Адлия вазирлигининг бу борадаги фаолиятини талаб даражасида деб бўлмайди. Шу муносабат билан ушбу вазирлик ва унинг жойлардаги бўлинмалари фаолиятини танқидий кўриб чиқиш зарур.

Адлия вазирлиги мутасадди идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонунларнинг маъно-мазмунини жойларга етказиш, уларни кенг тарғиб қилишга қаратилган аниқ таклифларни ишлаб чиқиши лозим.

Иккинчидан, қонун устуворлигини таъминлашда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, фуқароларни қонунга ҳурмат руҳида тарбиялаш муҳим аҳамият касб этади.

Айнан шу нуқтаи назардан қараганда, 20 йил аввал бу борада қабул қилинган Миллий дастурни янгидан ишлаб чиқишни давринг ўзи тақозо этмоқда.

Парламентимиз жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича янги Миллий дастурни яратишда бош-қош бўлиши мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайман.

Ҳурматли анжуман иштирокчилари!

Конституциямизда олий қадрият сифатида белгилаб қўйилган инсон ҳуқуқларини таъминлаш масаласи бундан буён ҳам эътиборимиз марказида бўлади. Бунинг учун суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигига эришиш нақадар муҳим аҳамиятга эга эканини албатта барчамиз яхши тушунамиз.

Бу борада яқинда қабул қилинган Фармон ижросини таъминлаш биринчи даражали вазифамиздир.

Хусусан, судьяларнинг ваколат муддатини узайтириш, суд ишларида адолатли қарорлар қабул қилишга қодир бўлган, юксак малакали суд ходимлари корпусини шакллантиришимиз лозим.

Суд ҳокимиятининг мустақиллиги тўғрисидаги конституциявий нормаларга ва одил судловни амалга ошириш фаолиятига аралашганлик учун жавобгарлик муқаррарлигини таъминлаш олдимизга қўйган мақсадларга эришишнинг муҳим қафолатидир.

Судларда ишларни кўриш сифатини ошириш, айниқса, фуқаролик ишларида овора бўлиб юришларнинг олдини олиш, айнан бир инстанция судида ишни бир неча маротаба кўриб турли қарорлар қабул қилиш амалиётига чек қўйиш вақти келди.

Қонунчилигимизда адвокатларнинг самарали фаолият юритиши учун барча асослар яратилган. Лекин, афсуски, адвокатура ханузгача фуқаролар ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш институтига айлангани йўқ.

Шу боисдан ҳам суд-ҳуқуқ соҳасида адвокатуранинг ўрни ва ролини янада ошириш, унинг ваколатларини кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирларни амалга оширишимиз керак.

Биз “Адолат – қонун устуворлигида” деган тамойил асосида жамиятимизда қонунга ҳурмат, ҳуқуқбузарлик ҳолатларига муросасизлик ҳиссини кучайтиришга қаратилган ишларимизни жадал давом эттирамиз.

Бу борада ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилади. Бунинг учун аввало маҳалла имкониятларидан кенг фойдаланиш, профилактика инспекторларининг иш самараси ва масъулиятини ошириш, улар учун муносиб хизмат ва турмуш шароитини яратиб бериш чораларини кўришимиз даркор.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятида очиқлик ва ошкораликни таъминлаш учун биз фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ва аҳоли билан самарали ҳамкорликни кенг йўлга қўямиз.

Айниқса, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ўзлари томонидан қонунни бузиш билан боғлиқ ҳар қандай ҳолатга принципиал баҳо берилади ва қатъий чора кўрилади. Бунга ҳеч кимда шубҳа бўлмаслиги керак.

Жамият ривожига ғов бўлаётган яна бир иллат – бу коррупция балосидир. Бундай хатарга қарши курашиш мақсадида яқинда Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, Сенатга юборилган “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонунни тезроқ амалиётга жорий этиш чора-тадбирларини кўришимиз лозим.

Буларнинг барчаси ўз навбатида инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришга, халқимизнинг давлат ҳокимиятига бўлган ишончини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Муҳтарам юртдошлар!

Сизларга яхши маълумки, 2016 йил Биринчи Президентимиз ташаббуси билан “Соғлом она ва бола йили” деб эълон қилинган эди.

Бу борада давлат дастури тасдиқланиб, кўплаб тадбирлар амалга оширилди. Бу ҳар томонлама соғлом авлодни вояга етказиш

йўлидаги ишларимизни изчил давом эттириб, янада юксак босқичга кўтаришга хизмат қилмоқда.

Биринчи навбатда, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, барқарор ривожланаётган давлатнинг негизи бўлган оила институтини мустаҳкамлаш мақсадида қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий база янада кучайтирилди.

Хусусан, жорий йилда қабул қилинган “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонун ушбу соҳанинг асосий йўналишлари бўлган ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва ташкилий чора-тадбирларни аниқ белгилаб берди.

Соғлом болани вояга етказишнинг муҳим шарти бўлган репродуктив саломатликни яхшилаш, туғма нуқсон ва хасталиклар билан туғилишларнинг олдини олиш, тиббиёт масканларининг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини янада мустаҳкамлаш учун тизимли ишлар амалга оширилди.

Бу ҳақда кўп гапириш мумкин, лекин мен фақатгина баъзи бир мисолларга тўхталиб ўтмоқчиман.

Мамлакатимиздаги тиббиёт муассасаларини замонавий диагностика ва даволаш ускуналари билан жиҳозлаш учун жорий йилда 80 миллион доллар қийматидаги кредит ва грант маблағлари йўналтирилди.

Дастурда белгиланган тадбирлар бўйича 9 миллионга яқин фарзанд кўриш ёшидаги аёллар ва 10 миллионга яқин болалар тиббий кўрикдан ўтказилиб, соғломлаштирилди.

Жумладан, Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказида эшитиш бўйича нуқсонли бўлган 350 дан ортиқ болада кохлеар имплантация операциялари амалга оширилди. Бунинг учун 21 миллиард сўм маблағ сарфланди. Лекин биз учун қанча маблағ кетгани эмас, балки юзлаб болаларимизнинг саломатлиги тиклангани муҳимдир.

Ана шундай ишлар қаторида 700 минг нафар бола пневмокок инфекцияси ва бошқа юқумли касалликларга қарши эмланди.

Дастур доирасида аёлларимиз учун зарур шароитлар яратиш, кишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида замонавий уй-

жойлар, ижтимоий инфратузилма объектлари барпо этиш борасида ҳам катта ишлар қилинди.

Айни вақтда хорижий сармоялар иштирокида қишлоқ аҳоли пунктларини ичимлик суви билан таъминлаш, туман ва шаҳарлардаги сув тармоқларини модернизация қилиш мақсадида 100 миллион доллар маблағ жалб этилди.

Юртимизда болалар спортини ривожлантириш, айниқса, қиз болалар ўртасида спортни оммалаштириш борасидаги ишларнинг давоми сифатида умумтаълим мактабларида 220 дан зиёд спорт заллари барпо этилди.

Ёш оилалар, тадбиркор аёллар, коллеж битирувчилари, оилавий бизнес ва ҳунармандликни қўллаб-қувватлаш учун тижорат банклари томонидан йил давомида 2 триллион сўмдан ортиқ кредитлар ажратилди.

Албатта, “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастури доирасида амалга оширган ишларимиз ҳақида яна узоқ гапириш мумкин. Лекин, мухтасар қилиб айтадиган бўлсак, ана шу мақсадлар учун барча манбалар ҳисобидан 7 триллион 480 миллиард сўм ва 190 миллион доллардан зиёд маблағ сарфланди.

Шунинг ўзи, ўйлайманки, бу борадаги фаолиятимизнинг кўлами ва миқёси нақадар улкан эканидан далолат беради.

Фурсатдан фойдаланиб, шу йўлда фидокорона меҳнат қилаётган тиббиёт ходимларига, бу олийжаноб ишга ҳисса қўшган барча ватандошларимизга чин қалбдан миннатдорчилик билдирамиз.

Бугун мана шу залда ўтирган, бу масалада ўзининг ёрдам ва кўмагини аямаган халқаро ташкилотлар вакилларига, хорижий давлатларнинг мухтарам элчиларига, келинглари, ҳаммамиз биргалликда самимий ташаккур ва эзгу тилакларимизни билдирайлик.

Азиз юртдошлар!

Бугун ҳаётимизнинг ўзи Конституциямизда ифодасини топган энг асосий мақсад – инсон манфаатларини ҳар томонлама таъминлаш масаласини долзарб вазифа қилиб қўймоқда.

Инсон манфаатларини таъминлаш учун эса аввало одамлар билан, халқ билан мулоқот қилиш, уларнинг дарду ташвишлари, орзу-ниятлари, ҳаётӣ муаммо ва эҳтиёжларини яхши билиш керак.

Яқинда бўлиб ўтган сайловолди учрашувларида мен бир нарсага амин бўлдим. Биз кейинги пайтда одамлар билан мулоқот қилишни унутиб қўйдик. Уларнинг ичига кириб, очиқ ва самимий гаплашиш, дардини эшитиш бизнинг фаолиятимизда, афсуски, охирги ўринга тушиб қолди.

Ҳозирги вақтда одамлар давлат идораларидан нимани истаяпти? Бу ҳақда гапирганда, эътиборингизни муҳим бир масалага қаратмоқчиман.

Хабарингиз бор, шу йил 25 сентябрда Бош вазирнинг интернет тармоғида электрон қабулхонаси ташкил этилган эди. Ўтган даврда ушбу қабулхонага фуқароларимиздан 218 мингдан ортиқ мурожаат келиб тушди. Мурожаатларнинг қарийб 59 фоизи ечимини топган бўлса, 41 фоизи кўриб чиқилмоқда.

Очиқ айтишим керак, бу мурожаатлар таҳлилидан кўп нарса аён бўлди. Таъбир жоиз бўлса, улар ҳаётимизда мавжуд бўлган ўткир муаммоларга кўзимизни очиб берди.

Мана, одамлар нималар ҳақида мурожаат қилмоқда. Аввало, улар турли соҳалардаги бюрократик тўсиқларни олиб ташлаш, қонунга зид бўлган кўплаб идоравий йўриқномаларни бекор қилиш, ставкаси оптимал бўлган банк кредитлари ажратиш, тадбиркорлик бўйича ноқонуний текширишларга барҳам бериш ҳақида, ҳуқуқ-тартибот идораларининг фаолияти ҳақида мурожаат қилмоқда.

Шу билан бирга, аҳолимиздан уй-жой қурилиши, коммунал, транспорт ва савдо хизмати, энергия таъминотини, йўлларнинг ҳолатини яхшилаш бўйича ҳам кўплаб мурожаатлар келиб тушмоқда.

Кўриб турибсизки, азиз дўстлар, бу талабларнинг барчаси қонуний ва адолатли. Бу борада ортиқча изоҳнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман.

Лекин шу ўринда бир савол туғилади: мана шу мурожаатларда кўтарилган ҳаётӣ муаммоларни жойлардаги ҳокимлик ва

идоралар, тегишли мутасаддилар ўз вақтида ҳал этиши зарур эмасмиди? Ҳолбуки, бу масалада алоҳида қонун, яъни, “Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тўғрисида”ги қонун қабул қилинган. Лекин, минг афсуски, бу қонуннинг ижросини назорат қилиш ўз ҳолига ташлаб қўйилган.

Шу сабабли ана шу қонун талабларини бажармаётган раҳбар ва мансабдор шахсларни нафақат маъмурий, балки жиноий жавобгарликка тортиш зарур, деб ҳисоблайман.

Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак ва бу ҳақиқатни аввало барча бўғиндаги раҳбарлар яхши тушуниб олиши зарур.

Шу муносабат билан тадбиркорлик фаолияти ва хусусий мулкни ҳимоя қилиш юзасидан яқинда қабул қилинган Фармон талабларига сўзсиз амал қилишни таъминлаш шарт. Нега деганда, халқ бой бўлса, давлат ҳам албатта бой ва қудратли бўлади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари тушунчалари ўзаро шунчалик боғланиб кетганки, уларни бир-биридан асло ажратиб бўлмайди.

Ана шу заруратдан келиб чиққан ҳолда, барча қонун ҳужжатларида халқ билан мулоқот тизими ҳақидаги нормаларни аниқ белгилаб қўйиш лозим, деб ҳисоблайман.

Ана шу фикр-мулоҳазаларнинг барчасини ҳисобга олиб, кириб келаётган 2017 йилни юртимизда “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” деб эълон қилишни таклиф этаман.

Энди, ижозатингиз билан, бу борадаги энг долзарб ва устувор вазифаларга атрофлича тўхталиб ўтсам.

Аввало, “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”нинг асосий мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, давлат органларининг фуқаролар билан ўзаро муносабатлари юзасидан ёндашувни тубдан қайта кўриб чиқиш зарур. Бу борада аҳоли билан доимий мулоқот қилиш, уларни қийнаётган муаммоларни ҳал этишнинг янги механизмлари ва самарали усулларини жорий этишимиз даркор.

Биз аҳоли энг кўп мурожаат қиладиган давлат идоралари фаолиятида одамлар билан ишлаш бўйича сифат жиҳатидан мутлақо янги тизимга ўтиш ҳақида ўйляймиз. Хусусан, 2017 йилдан бошлаб барча даражадаги ҳокимлар, прокуратура ва ички ишлар органлари раҳбарларининг аҳоли олдида ҳисобот бериш тизими жорий этилади.

Шу билан бирга, ҳар бир туман ва шаҳарда “Халқ қабулхоналари”ни ташкил этиш ва уларнинг тўлақонли фаолият кўрсатишини таъминлашимиз зарур.

Айтиш керакки, бундай қабулхоналар сиёсий партиялар, жумладан, Ўзбекистон Либерал-демократик партияси тизимида фаолият кўрсатиши мақсадга мувофиқдир. Чунки сиёсий партия фуқароларнинг мақсад ва манфаатларини рўёбга чиқарадиган куч сифатида одамлар ҳаётидаги муаммолардан доимо хабардор бўлиши керак.

Айни вақтда бу қабулхоналарнинг ҳуқуқий мақомини, уларнинг ваколат ва мажбуриятларини ҳам аниқ белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Бизнинг асосий мақсадимиз – “Халқ қабулхоналари”га қилинган ҳеч бир мурожаат эътиборсиз қолмайдиган тизим яратишдан иборат.

Мухтасар айтганда, одамларнинг дардини эшитиш, улар билан очиқ мулоқотда бўлиш, оғирини енгил қилиш – аҳолининг давлат ва жамиятга ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Шу мақсадда аҳолига кундалик ва энг зарур бўлган давлат хизматларини “ягона дарча” принципи бўйича бир идора орқали кўрсатиш тизимини такомиллаштиришимиз керак.

Бундан ташқари, ҳар бир ҳудуддаги вазиятни, аввало, фармон ва қарорлар ижросини, уларнинг самарадорлигини доимий равишда ўрганиб, бу борада давлат органлари масъулиятини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқадиган тизимни шакллантиришимиз керак.

Фурсатдан фойдаланиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати раҳбарияти, депутатлар ва сенаторларга бир таклиф билан мурожаат қилмоқчиман.

Яъни, парламент ва жамоатчилик назоратининг таъсирчан механизмларини шакллантириш мақсадида шаҳар ва туманларда ҳақиқий аҳволни ўрганиб, тегишли раҳбарларнинг ҳисоботини халқ депутатлари кенгашлари сессияси муҳокамасига киритиш тартибини жорий этишни ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда.

Ҳар қайси вилоятдан, масалан, Сурхондарёдан сайланган Олий Мажлис депутатлари ва сенаторлар ҳар ойда 10-12 кун давомида бир туманда, айтайлик, Музработ туманида бўлиб, ўзлари сайланган ҳудуддаги ижроия ҳокимият органи, прокуратура ва ички ишлар бўлимининг фаолиятини ўрганиб, таҳлил қилиши ва тегишли хулоса бериши мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Маълумки, ҳозирги кунда Олий Мажлисимиз Сенати томонидан ҳар йили Бош прокуратуранинг ҳисоботи эшитилади. Бу албатта муҳим, лекин жойлардаги, масалан, узоқ Олот туманида маҳаллий ҳокимликлар, прокуратура ва ички ишлар бўлимларининг ҳисоботини ким эшитади?

Шу нуқтаи назардан қараганда, Биринчи Президентимиз жорий этган тизим асосида ҳурматли Қонунчилик палатаси Спикери ва Сенат раиси жойларга чиққанларида маҳаллий ҳокимликлар, прокуратура ва ички ишлар органлари раҳбарларидан улар ўз зиммасидаги вазифаларни қай даражада ижро этаётганига, аҳолини ўйлантираётган муаммоларни, уларнинг мурожаатларини қандай ҳал қилаётганига алоҳида эътибор қаратишлари лозим.

Бу борадаги ишларни ташкил этишда парламент сўрови, тегишли давлат идоралари раҳбарлари ахборотларини эшитиш каби ваколатлардан кенг фойдаланиш керак.

Ўтказилган барча ўрганишлар натижаларини умумлаштириб, ҳар йили бир марта ички ишлар вазирининг энг аввало профилактика соҳасидаги фаолияти юзасидан ҳисоботини Сенатда эшитиш амалиётини жорий этиш ҳам тўғри бўлади, деб ўйлайман.

Шу мақсадда Олий Мажлис 2017 йилдан бошлаб ҳар қайси вилоят бўйича бир йилга мўлжалланган иш режасини белгилаб олиши ўринли бўларди.

Келгусида биз маҳаллий ҳокимларни бевосита халқ томонидан сайлаш масаласи ҳақида ҳам ўйлаб, муҳокама қилиб кўришимиз керак. Ҳар бир ҳудуд ўз раҳбарини ўзи сайласа, раҳбарларнинг халқ ва жамият олдидаги масъулиятини кескин оширишга эришиш мумкин.

Ҳозиргина баён қилинган устувор вазифалар давлат бошқаруви тизимини бугунги ва эртанги кун талабларидан келиб чиқиб, янада такомиллаштиришни тақозо этади.

Бу борада 2017-2021 йилларга мўлжалланган, Ўзбекистон Республикасида маъмурий бошқарув соҳасидаги ислохотлар концепциясини қабул қилиш кўзда тутилмоқда.

Ушбу концепцияга мувофиқ, давлат бошқаруви органлари тузилмасини, вазифа ва ваколатларини оптималлаштириш, уларнинг ўзига хос бўлмаган, такрорланадиган функцияларини ҳамда ходимлар умумий сонини қисқартириш, шунингдек, давлатнинг иқтисодий ётти бошқаришдаги ролини кескин камайтириш бўйича аниқ тадбирлар амалга оширилади.

Президент девони ва Вазирлар Маҳкамаси ижро аппарати фаолиятини такомиллаштиришга, қабул қилинаётган қонун, фармон ва қарорлар самарали амалга оширилишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратамиз.

Шу билан бирга, давлат хизмати институтини ислоҳ этиш, давлат хизматчиларининг моддий ва ижтимоий таъминоти, уларнинг касбий тайёргарлигини тубдан такомиллаштириш, бу соҳага янгича фикрлайдиган, масъулиятли, ташаббускор, ватанпарвар кадрларни жалб этиш бўйича самарали тизим яратилади.

Ана шу масалаларнинг барчаси яқинда ишлаб чиқиладиган “Давлат хизмати тўғрисида”ги қонунда ўз ифодасини топади.

Ҳурматли дўстлар!

Инсон манфаатларини таъминлашда иқтисодийтимизнинг юксак суръатлар билан барқарор ривожланиши қандай катта аҳамиятга эга эканини барчамиз яхши тушунамиз.

Самарали меҳнат учун зарур шароитлар, муносиб иш ҳақи, замонавий уй-жойлар, сифатли таълим ва тиббий ёрдам, дам олиш ва ҳордиқ чиқариш учун кенг имкониятлар яратиш – буларнинг барчаси иқтисодий соҳадаги ислоҳотларимиз моҳияти ва мазмуни-ни белгилаб берадиган муҳим омиллардир.

Шу борада нафақат энг кам ойлик иш ҳақини, балки бюджет ташкилотларида ҳам, хўжалик юритувчи субъектларда ҳам ўртача иш ҳақи миқдорини, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар ҳажмини босқичма-босқич кўпайтириш эътиборимиз марказида бўлади.

Аҳолини иш билан таъминлаш биз учун нафақат иқтисодий, айти пайтда катта ижтимоий аҳамиятга эгадир. Ҳокимликлар, вазирлик ва идоралар, иш берувчи ташкилотлар билан бир қаторда банк муассасалари ҳам бу ишга янада фаол жалб этилиши керак.

Аҳоли бандлигини ҳал этишда туризмни ривожлантириш бўйича катта имкониятларни ҳам ишга солишимиз лозим.

Шу мақсадда яқинда ташкил этилган Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ўз маблағларини ва хорижий сармояларни халқаро стандартларга мос келадиган инфратузилмаларни ривожлантириш-га йўналтириши зарур.

Мамлакатимизда инвестиция сиёсатини кучайтириш масаласига биз алоҳида устувор аҳамият қаратамиз.

Хорижий сармояларни ва илғор технологияларни иқтисодиётга жалб этиш учун чет эллардаги дипломатик ваколатхоналаримиз жиддий иш олиб бориши лозим.

Бунинг учун Ташқи ишлар вазирлиги фаолиятини кучайтириш, чет мамлакатлардаги элчиларимиз нафақат сиёсий, айти вақтда юртимизга инвестицияларни жалб қилиш масалалари билан ҳам фаол шуғулланишлари даркор. Уларнинг бу борадаги фаолиятини назорат қилиш учун Олий Мажлис Сенатининг Ташқи сиёсат масалалари қўмитасининг фаолият соҳаси ва ваколатларини кенгайтириш зарур, деб ҳисоблайман.

Бу кўмита халқаро иқтисодий ҳамкорлик, чет эл инвестицияларини фаол жалб этиш масалалари бўйича парламент назоратининг муҳим бўғинига айланиши лозим.

Кўмита мамлакатимизга инвестицияларни жалб қилиш борасидаги ишларнинг самарадорлиги, бу соҳадаги муаммолар, тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш, инвестициявий муҳитни яхшилаш бўйича тегишли идораларнинг масъулиятини ошириш чораларини кўриши мақсадга мувофиқ бўлади.

Инсон манфаатларини таъминлаш яна бир муҳим масала – аҳолимизнинг ярмидан кўпи яшайдиган қишлоқ жойларда ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш билан бевосита боғлиқдир. Шу сабабли биз бундан буён ҳам қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислохотларни чуқурлаштиришга, ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланишга, илғор технологияларни жорий этишга асосий эътиборни қаратамиз. Шу билан бирга, хомашёни, энг аввало пахта хомашёсини чуқур қайта ишлаш бўйича аниқ режалар белгиланмоқда.

Яна бир устувор вазифа – янги 2017 йилдан бошлаб қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон ва қулай уй-жойлар қуриш дастурини амалга оширишга киришамиз.

Азиз дўстлар!

Барчамизга аёнки, юртимиздаги ҳар қайси инсон, ҳар қайси оиланинг энг эзгу орзу-мақсадлари, ҳаётий манфаатлари авваламбор унинг фарзандлари тимсолида намоён бўлади, рўёбга чиқади. Албатта, бу борада юртимизда улкан ишлар қилинмоқда ва улар амалда ўзининг ижобий натижасини бермоқда.

Бу ҳақда гапирганда, барчамизга чексиз ғурур ва ифтихор бағишлайдиган бир мисолни айтиб ўтмоқчиман. Жорий йилда Бразилияда ўтказилган Олимпия ва Паралимпия ўйинларида спортчиларимиз 44 та медаль, жумладан, 12 та олтин медални қўлга киритгани мамлакатимиз ҳаётида тарихий воқеа бўлди.

Фурсатдан фойдаланиб, халқаро майдонларда юртимиз байроғини баланд кўтариб келаётган спортчи ёшларимизга,

уларнинг ота-оналари ва устоз-мураббийларига чуқур миннатдорлик билдираман.

“Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” дастуридан ёшларимизни соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш масаласи алоҳида ўрин эгаллаши табиийдир.

Бу борада фарзандларимиз учун зарур шароитлар яратиш, янги-янги таълим-тарбия, маданият, санъат ва спорт масканларини барпо этиш, ёш оилалар учун уй-жойлар қуриш, ёшларни иш билан таъминлаш, уларни тadbиркорлик соҳасига кенг жалб этиш бўйича бошлаган ишларимизни янги, юксак босқичга кўтарамиз.

Биз таълим ва тарбия тизимининг барча бўғинлари фаолиятини бугунги замон талаблари асосида такомиллаштиришни ўзимизнинг биринчи даражали вазифамиз деб биламиз.

Ёш авлод тарбияси ҳақида гапирганда, Абдурауф Фитрат бобомизнинг мана бу фикрларига ҳар биримиз, айниқса, энди ҳаётга кириб келаётган ўғил-қизларимиз амал қилишларини мен жуда-жуда истардим.

Мана, улуғ аждодимиз нима деб ёзганлар:

“Халқнинг аниқ мақсад сари ҳаракат қилиши, давлатманд бўлиши, бахтли бўлиб иззат-ҳурмат топиши, жаҳонгир бўлиши ёки заиф бўлиб хорликка тушиши, бахтсизлик юқини тортиши, эътибордан қолиб, ўзгаларга тобе ва қул, асир бўлиши уларнинг ўз ота-оналаридан болаликда олган тарбияларига боғлиқ”.

Қаранг, қандай бебаҳо, олтинга тенг сўзлар!

Бугунги кунда ён-атрофимизда диний экстремизм, терроризм, гиёҳвандлик, одам савдоси, ноқонуний миграция, “оммавий маданият” деган турли бало-қазоларнинг хавфи тобора кучайиб бораётганини ҳисобга оладиган бўлсак, бу сўзларнинг чуқур маъноси ва аҳамияти янада яққол аён бўлади.

Ҳақиқатан ҳам, ҳозирги вақтда ёшлар тарбияси биз учун ўз долзарблиги ва аҳамиятини ҳеч қачон йўқотмайдиган масала бўлиб қолмоқда.

Бугунги тез ўзгараётган дунё инсоният олдида, ёшлар олдида янги-янги, буюк имкониятлар очмоқда. Шу билан бирга, уларни

илгари кўрилмаган турли ёвуз хавф-хатарларга ҳам дучор қилмоқда. Ғаразли кучлар содда, ғўр болаларни ўз ота-онасига, ўз юртига қарши қайраб, уларнинг ҳаётига, умрига зомин бўлмоқда.

Бундай кескин ва таҳликали шароитда биз ота-оналар, устоз-мураббийлар, жамоатчилик, маҳалла-кўй бу масалада ҳушёрлик ва огоҳликни янада оширишимиз керак. Болаларимизни бировларнинг қўлига бериб қўймасдан, уларни ўзимиз тарбиялашимиз лозим.

Бунинг учун ёшларимиз билан кўпроқ гаплашиш, уларнинг қалбига қулоқ солиш, дардини билиш, муаммоларини ечиш учун амалий кўмак беришимиз керак. Бу борада уюшмаган ёшлар билан ишлашга алоҳида эътибор қаратишимиз зарур.

Бу вазифаларни амалга оширишда биз асрлар мобайнида шаклланган миллий анъаналаримизга, аجدодларимизнинг бой меросига таянамиз. Фарзандларимиз, айниқса, қиз болаларнинг замонавий билим ва касб-ҳунарларни, хорижий тилларни эгаллашлари, ҳар томонлама соғлом ва баркамол бўлиб, ҳаётдан муносиб ўрин топишлари учун барча куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз.

Бизнинг навқирон авлодимиз манфаатларини таъминлаш борасидаги фаолиятимиз яқинда қабул қилинган “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонун асосида қатъий давом эттирилади.

“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати барча ёшларимиз интиладиган, уларнинг қобилият ва иқтидорини рўёбга чиқарадиган ва манфаатларини ҳақиқий ҳимоя қиладиган ташкилотга айланиши учун барча чораларни кўрамиз.

Азиз дўстлар!

Барчамизга яхши аёнки, инсон манфаатларини юрт тинчлиги, жамиятимиздаги ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва ҳамжихатлик муҳитидан ажратган ҳолда тасаввур этолмаймиз. Буларнинг барчаси бизнинг бебаҳо бойлигимиз ва уни кўз қорачиғидек сақлаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

Бу борада маҳалла идоралари, хотин-қизлар, нуронийлар, ёшлар ташкилотларининг ўрни ва ролини янада кучайтириш эътиборимиз марказида бўлади.

Айни вақтда ҳозирги мураккаб замон тинч-осойишта ҳаётимизни асраш ва мустаҳкамлаш, халқимизнинг қафолатланган хавфсизлигини таъминлаш масаласини янада долзарб қилиб қўймоқда. Шу мақсадда биз ҳозирги вақтда Ички ишлар вазирлиги тизимини тубдан ўзгартириш чора-тадбирларини кўряпмиз.

Ўз пайтида муҳтарам Юртбошимиз ички ишлар органларининг энг қуйи тизимида профилактика инспекторларини ташкил қилган эдилар. Аммо бугун бу инспекторлар профилактика, яъни жиноятларнинг олдини олиш билан шуғулланмаяпти, аксинча, содир бўлган жиноятларни рўйхатга олиш, юқори идораларга ҳисобот ёзиш билан банд.

Шу сабабли бу масалага қарашимизни тубдан ўзгартириб, маҳалладаги участка нозирларига самарали фаолият кўрсатиши учун барча зарур иш ва турмуш шароитларини яратиб берамиз.

Шунингдек, ҳар бир туман ҳокими ва туман ички ишлар бўлимлари раҳбарларининг ёшлар билан ишлаш бўйича ўринбосари лавозими жорий этилади. Бу раҳбарларнинг асосий вазифаси маҳаллада участка инспекторлари билан ишлашни ташкил этишдан иборатдир.

Ҳурматли мажлис иштирокчилари!

Мамлакатимизда инсон манфаатлари билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда бизнинг сайловолди дастуримиздан жой олган, ҳозирги кунда ишлаб чиқиладиган мақсадли дастурлар муҳим ўрин тутди. Бу дастурлар одамларнинг турмуш даражаси ва сифатини янада оширишни таъминлашга қаратилган.

Шу мақсадда мамлакатимиз Ҳукумати Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати билан биргаликда ва жамоат ташкилотлари, нодавлат ташкилотлар иштирокида 2017-2021 йилларда Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича Ҳаракат стратегиясини ишлаб чиқмоқдамиз.

Ушбу стратегияда давлат қурилиши, суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш, иқтисодиётни эркинлаштириш ва ижтимоий соҳани ривожлантириш, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш бўйича энг долзарб вазифалар аниқ белгилаб берилади.

Азиз дўстлар!

Биз ташқи сиёсат соҳасидаги фаолиятимизни аввало халқимиз, Ватанимиз манфаатларини ҳар томонлама ҳисобга олган ҳолда амалга оширамыз.

Бу сиёсатнинг асосини тинчликпарварлик, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, юзага келадиган зиддият ва қарама-қаршиликларни фақат тинч, сиёсий йўл билан ҳал этиш ташкил этади.

Биз бундан буён ҳам узоқ-яқиндаги барча хорижий мамлакатлар, жаҳон ҳамжамияти билан самарали ҳамкорлигимизни давом эттирамыз. Бу борада очиқ, дўстона ва прагматик сиёсат олиб бориш тамойилига содиқ қоламыз.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Ислом ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа халқаро тузилмалар билан фаол муносабатлар ва ҳамкорлик олиб бориш Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига хизмат қилади.

Биз Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки, Халқаро валюта жамғармаси, бошқа халқаро молия ва иқтисодий ташкилотлар билан амалий ҳамкорликни янада ривожлантирамыз.

Азиз ва муҳтарам юртдошлар!

Биз янги – 2017 йилга эзгу ва олийжаноб мақсадлар билан қадам қўймоқдамиз.

Буни ҳозиргина эълон қилинган “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” бўйича барчамиз, бутун халқимиз қалбидаги орзу-интилишлар ифодаси бўлган режа ва мақсадларимиз яққол тасдиқлаб турибди.

Ишончим комил, ана шу олийжаноб вазифаларни ҳал этишда давлат ва нодавлат ташкилотлар, маҳалла, хотин-қизлар, ёшлар вакиллари, кенг жамоатчилик, бутун халқимиз фаол иштирок этади.

Кириб келаётган янги йил сиёсатимизнинг бош мақсадини, яъни, инсон манфаати ҳар нарсадан улуғ, деган эзгу ғояни изчил давом эттириш, ҳаётимизни янада обод ва фаровон этиш йўлида яна бир улкан қадам бўлади.

Барчангизни Конституциямиз байрами билан самимий табриклаб, сизларга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

ЭРКИН ВА ФАРОВОН, ДЕМОКРАТИК ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТИНИ МАРД ВА ОЛИЙЖАНОБ ХАЛҚИМИЗ БИЛАН БИРГА ҚУРАМИЗ



Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи

Тошкент шаҳри, 2016 йил 14 декабрь
Ҳавола: <https://president.uz/uz/lists/view/111>

Мен мамлакат Президенти сифатида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси талабларини қатъий ва сўзсиз бажариш, қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлайдиган ички ва ташқи сиёсатни амалга оширишни ўзимнинг энг асосий бурчим ва вазифам, деб ҳисоблайман.

Ана шу фундаментал тамойилларни рўёбга чиқаришга доир амалий саъй-ҳаракатлар тўғрисида мен Конституциямизнинг 24 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги маърузамда ўз

фикрларимни баён қилганимдан албатта барчангиз хабардорсиз, деб ўйлайман.

Шу муносабат билан Қонунчилик палатаси Спикери ва депутатлар, Сенат Раиси ва сенаторлардан Президентнинг Давлат маслаҳатчилари хизматлари ҳамда Ҳукумат билан биргаликда мамлакатимизда келажақда амалга ошириладиган ислоҳот ва ўзгаришларнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқишни сўрайман.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини амалга оширишда биз, илгаригидек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари – маҳаллалар, шунингдек, нодавлат нотажорат ташкилотлар, эркин ва холис оммавий ахборот воситалари фаол ўрин эгаллайди, деб ишонамиз.

“Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари” деган муҳим тамойилни амалга оширишда биз аввало ана шу ижтимоий институтларнинг куч ва имкониятларига таянамиз.

Шу муносабат билан халқ ҳокимиятининг энг муҳим пойдевори сифатида жамоатчилик назорати институтини кучайтириш бўйича мамлакатимиз Конституциясининг 32-моддасида, шунингдек, “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида”, “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги қонунлар ва бошқа ҳужжатларда муҳрлаб қўйилган талабларнинг ижросини таъмин-лашга алоҳида эътибор қаратамиз.

Бу муҳим ишда биз барча фуқароларимиз, энг аввало, ёши улўғ, улкан ҳаётий тажрибага эга нуроний оқсоқолларимиз, катта авлод вакилларининг маслаҳатлари ва фаол кўмагига умид қиламиз ва таянамиз.

Азиз дўстлар!

Маълумки, Конституциямизнинг 98-моддасига мувофиқ, иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотларнинг устувор вазифаларини муваффақиятли ҳал этиш учун жавобгарлик Вазирлар Маҳкамаси,

хукуматнинг ҳар бир аъзоси, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарлари зиммасига юклатилган.

Бу, биринчи навбатда, Бош вазир ва унинг ўринбосарларидан юксак даражадаги шахсий масъулиятни, шунингдек, уларнинг зиммасига юкланган вазифаларни самарали ва тўлиқ бажаришни талаб этади.

Шу муносабат билан бир таклиф киритмоқчиман. Яъни, Олий Мажлис палаталарининг 2015 йил 23 январдаги ва жорий йилнинг 8 сентябрдаги кўшма мажлисларида таклиф этилган Вазирлар Маҳкамасининг ҳаракат дастурини янада аниқлаштириб, ҳозирги талаблардан келиб чиққан ҳолда, унга кўшимчалар киритиш лозим. Бу – кечиктириб бўлмайдиган вазифадир.

Умид қиламанки, бугунги мажлисимизнинг иккинчи қисмида Бош вазир лавозимига кўрсатиладиган янги номзод ушбу дастурнинг яқин ва узоқ истиқболга мўлжалланган асосий йўналишлари ва устувор вазифалари тўғрисида ахборот беради.

Ҳурматли мажлис иштирокчилари!

Мамлакатимиз Асосий қонунининг 78-моддасига мувофиқ, мамлакатни модернизация қилиш, жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштиришни таъминлашда муҳим ўрин ва жавобгарлик Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатига юкланган.

Бунинг учун учта вазифани амалга ошириш зарур.

Биринчи вазифа – 2016 йил 7 декабрдаги тантанали мажлисда белгилаб берилган топшириқларнинг аниқ бажарилишини таъминлаш керак.

Хабарингиз бор, мен Конституциямиз қабул қилинган кунга бағишлаб ўтказилган ўша йиғилишда депутатлар ва сенаторларга бир таклиф билан мурожаат қилган эдим. Яъни, парламент ва жамоатчилик назоратининг таъсирчан механизмларини шакллантириш мақсадида шаҳар ва туманларда ҳақиқий аҳволни ўрганиб, тегишли раҳбарларнинг ҳисоботини халқ депутатлари кенгашлари сессияси муҳокамасига киритиш тартибини жорий этишни таклиф этган эдим.

Бунинг учун ҳар қайси вилоятдан сайланган Олий Мажлис депутатлари ва сенаторлар ҳар ойда 10-12 кун давомида бир туманда бўлиб, ҳокимият идоралари, прокуратура ва ички ишлар бўлимининг фаолиятини пухта ўрганиб, таҳлил қилиши ҳамда тегишли хулоса беришлари лозим бўлади. Шу асосда ҳурматли Спикер ва Сенат Раиси жойларда ўзлари бош бўлиб, маҳаллий кенгашларда ана шундай муҳокамалар ўтказиш тизими жорий этилса, бу ишлар эртага албатта ўзининг ижобий самарасини беради.

Иккинчи вазифа – “Парламент назорати тўғрисида”ги Қонуннинг амалдаги ижросини барча соҳаларда мониторинг қилиш, шунингдек, бу борада хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибасини ўрганиш ва жорий этиш зарур.

Шунинг учун кеча Олий Мажлис Сенати йиғилишида муҳим бир масала муҳокама қилиниб, тегишли қарор қабул қилинди.

Маълумки, мамлакатимизнинг чет давлатлар билан иқтисодий алоқаларини янада мустаҳкамлаш ва хорижда республикамизнинг иқтисодий имкониятларини кенг тарғиб қилиш орқали унинг халқаро нуфузини янада ошириш, инвестицияларни жалб қилишни жадаллаштириш, туризм соҳасини янада ривожлантириш иқтисодий соҳадаги устувор вазифаларимиздан бири ҳисобланади.

Шу боис Ташқи ишлар вазирлиги ва бошқа давлат идораларининг бу йўналишлардаги фаолияти устидан самарали парламент назорати тизимини яратиш мақсадида Сенат раисининг биринчи ўринбосари лавозими жорий этилди ва бундан буён Сенатнинг тегишли кўмитаси фаолияти тубдан такомиллаштирилади.

Учинчи вазифанинг аҳамияти ва муҳимлигини алоҳида таъкидламоқчиман – қонун талабларини бажармаслик билан боғлиқ ҳар бир ҳолат юзасидан аниқ ҳуқуқий таъсир чораларини кўриш керак.

Жойлардаги давлат ҳокимияти органлари – барча даражадаги ҳокимликлар, халқ депутатлари кенгашлари фаолиятини такомиллаштиришни давом эттиришимиз зарур. Шунинг учун Олий

Мажлис Сенати томонидан ҳар бир вилоятда навбатма-навбат намунавий халқ депутатлари кенгашлари ишини ташкил этиш тажрибаси жорий этилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Уларнинг асосий мақсади ва вазифаси – аҳолининг барча тоифалари билан доимий мулоқотда бўлиш, фуқароларнинг қонуний талаб ва эҳтиёжларини нафақат ўрганиш, балки уларни таъминлашдан иборат.

Мавжуд муаммоларни амалда ҳал этиш, шунингдек, аҳоли учун эркин меҳнат қилиш, мазмунли дам олиш ва муносиб турмуш даражасини таъминлаш бўйича ҳар томонлама қулай шароитлар яратиш лозим. Айнан ана шу мезонлардан келиб чиқиб, маҳаллий ҳокимият органларининг мамлакатимиз Конституциясининг 100- ва 101-моддалари талабларини бажариш бўйича фаолияти самарадорлиги тўғрисида хулоса чиқариш мумкин ва зарур. Шунинг учун ҳам 2017 йил юртимизда “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” деб эълон қилинганини алоҳида таъкидлаб айтмоқчиман.

Ҳаммамиз яхши тушунамизки, олдимизда турган кенг кўламли вазифаларни бажариш учун **кадрлар билан ишлашнинг бутун тизимини такомиллаштиришга** доир бир қатор ишларни албатта амалга оширимиз керак.

Ҳозирги вақтда давлат ва ҳокимият идораларида кўп ҳолларда кадрлар салоҳиятидан фойдаланиш, уларнинг вазифа ва ваколатлари тақсимоти оқилона ва самарали йўлга қўйилмагани сезилмоқда.

Энг ёмони, бу ҳолат ишимизга халақит бермоқда. Бир идорани қарасангиз, юзлаб одам номига ишлаб ўтирибди. Бошқа идорани қарасангиз, иш кўп, вазифа кўп, лекин ишлайдиган одам, кадр этишмайди.

Бундай нотўғри иш тақсимотига мутлақо чек қўйишнинг вақти етди. Ҳар бир давлат хизматчиси ўзининг бурчи ва мажбуриятини аниқ-равшан билиши, содда қилиб айтганда, ўз аравасини ўзи тортиши лозим.

**ТАНҚИДИЙ ТАҲЛИЛ, ҚАТЪИЙ ТАРТИБ-ИНТИЗОМ ВА
ШАХСИЙ ЖАВОБГАРЛИК – ҲАР БИР РАҲБАР
ФАОЛИЯТИНИНГ КУНДАЛИК ҚОИДАСИ БЎЛИШИ
КЕРАК**



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлан-тиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси

Тошкент шаҳри, 2017 йил 15 январь

Ҳавола: <https://president.uz/uz/lists/view/187>

**Ҳурматли мажлис иштирокчилари!
Мана, 2016 йил якунига етди.**

Бу йил Ўзбекистон ва унинг халқи учун кўп жиҳатдан мураккаб йил бўлди. Охириги беш ойда юз берган воқеалар буни яққол тасдиқлаб турибди.

Юртимизда бўлиб ўтган Президент сайлови ва Ўзбекистон Конституциясининг 24 йиллигига бағишланган байрам тадбирлари давлатимиз тизими мустаҳкамлигини, ҳокимиятнинг барча бўғинлари, жамиятимиз ва халқимизнинг жипслигини бутун дунёга яна бир бор намоён этди.

Ҳурматли мажлис иштирокчилари!

Ҳокимларнинг мавқеи ва роли, уларнинг тумандаги, шаҳар ва вилоятдаги ишлар аҳволи учун шахсий жавобгарлиги Конституциямизда принципиал қоида сифатида белгилаб қўйилганини барчангиз яхши биласиз.

Биз ҳар доим уларнинг фаолияти натижаларига алоҳида эътибор қаратганмиз ва бундан кейин ҳам бу масала диққатимиз марказида бўлади.



**ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ
ҚИЛИНГАНИНИНГ 25 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН
ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ МАЪРУЗАСИ**

Тошкент шаҳри, 2017 йил 7 декабрь

Ҳавола: <https://president.uz/uz/lists/view/1328>

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Барчангизни, сизлар орқали бутун халқимизни бугунги улуғ айём – мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллик байрами билан самимий муборакбод этишга ижозат бергайсиз.

Йигирма беш йил – тарих учун бир лаҳза, холос. Шу қисқа даврда жонажон Ўзбекистонимиз мустақил ва суверен давлат

сифатида шаклланиб, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллади, том маънода улкан тараққиёт йўлини босиб ўтди.

Ана шу машаққатли ва шарафли йўлда эришган барча ютуқларимизни, энг аввало, Конституциямиз билан боғлашимиз, албатта, бежиз эмас. Нега деганда, Асосий қонунимиз халқимиз узоқ йиллар орзу қилган миллий мустақиллигимиз ва ривожланиш йўлимиз, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини белгилаб берди.

Тўла ишонч билан айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси халқимиз сиёсий-ҳуқуқий тафаккурининг юксак намунасидир. У ҳеч кимга қарам бўлмасдан, эркин ва озод, тинч ва осойишта, фаровон яшашнинг қонуний кафолати бўлиб келмоқда. Бозор муносабатларига асосланган ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш борасида мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Конституциямиз асосида мамлакатимизда миллий қонунчилик тизими, давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари шаклланди. Бугунги кунда барча жабҳаларда кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий салоҳиятимиз юксалиб, фуқароларимизнинг дунёқараши тобора ўсиб бормоқда. Буларнинг барчаси, энг аввало, Бош қомусимизнинг ҳаётбахш куч-қудрати натижасидир.

Қадрли юртдошлар!

Бугун Конституциямизнинг 25 йиллик байрамини нишонлар эканмиз, Асосий қонунимизни яратишда унутилмас хизмат қилган инсонлар номини чуқур ҳурмат билан тилга оламиз.

Биринчи Президентимиз муҳтарам Ислом Абдуғаниевич Каримов раҳбарлигида 1990 йил июнь ойида тузилган Комиссиянинг икки йиллик машаққатли меҳнати натижасида Конституциянинг биринчи, иккинчи ва сўнгра учинчи лойиҳалари ишлаб чиқилди. Ушбу Комиссия аъзоси сифатида мен ана шу тарихий жараёнда бевосита иштирок этганимни доимо фахр билан эсламан. Конституциянинг яратилиши билан боғлиқ қизғин баҳс-мунозаралар, турли ғоя ва фикрлар ҳали ҳам хотирамда.

Асосий қонунимиз икки марта – 1992 йил сентябрь ва ноябрь ойларида умумхалқ муҳокамасига олиб чиқилди. Лойиҳалар муҳокамасида кенг жамоатчилик, бутун халқимиз фаол иштирок этиб, мамлакатимизнинг тараққиёт йўли, унинг келажагига дахлдор кўплаб фикр-мулоҳазалар ва таклифлар билдирди.

Умумхалқ муҳокамаси яқунларига кўра, Бош қомусимиз лойиҳасига 100 га яқин тузатишлар киритилди ва 1992 йил 8 декабрь куни Олий Кенгаш сессиясида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинди.

Мана шу ўтган чорак аср давомида мамлакатимиздаги туб ислоҳот ва ўзгаришларнинг барчаси Конституциямиз асосида амалга оширилмоқда. Бу эса унинг ҳақиқатан ҳам халқимиз манфаатларига, давлатимизнинг стратегик мақсадларига тўла жавоб берадиган, ҳар томонлама пухта ишланган муҳим сиёсий ҳужжат эканидан далолат беради.

Бу билан ҳар қанча фахрлансак, ғурурлансак арзийди, албатта.

Айни пайтда биз Асосий қонунимиз талабларини тўлиқ амалга ошириш борасида ҳали олдимизда улкан вазифалар турганини яхши тушунамиз. Яъни, халқимиз ҳаёт даражаси ва сифатини янада яхшилаш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини амалда таъминлаш бўйича ҳали кўп иш қилишимиз керак.

Энг аввало, одамларимиз ислоҳотлар самарасини келажакда эмас, балки бугун ўз ҳаётида ҳис этишлари зарур.

Айнан шу мақсадда биз тараққиётнинг янги босқичига қадам кўяр эканмиз, салоҳият ва имкониятларимизни холис баҳолаш билан бирга, хато ва камчиликларимизни ҳам атрофлича танқидий таҳлил қилдик. Чунки ўзимиз шу ишни қилмасак, ҳеч ким бу хатоларни четдан келиб бизга айтмайди. Биз ўз келажагимизни ўзимиз қурамиз. Бу йўлда хато қилишга ҳаққимиз йўқ. Шунинг учун ҳар томонлама чуқур ўйлаб,

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси

ни қабул қилдик. Мазкур ҳужжат моҳиятига кўра, жамият ҳаётининг барча соҳаларидаги

тизимли ислоҳотларнинг “йўл харитаси”га айланди.

Ҳаракатлар стратегияси ижроси доирасида шу йилнинг ўзида 20 дан ортиқ қонун ва 700 дан зиёд қонуности ҳужжатлари қабул қилинди. Биз бу борада кўпгина қонунлар халқимизга маъқул эмаслигини, улар эл-юртимиз манфаати учун ишлаши кераклигини ҳисобга олган ҳолда шундай йўл тутдик . Бу ишларни келгусида албатта давом эттирамиз.

Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили, деб эълон қилинган 2017 йилда “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан улуғ” деган ғоя асосида катта ишлар амалга оширилди. Бу ишлар Конституциямизнинг асосий тамойилларини рўёбга чиқаришда яна бир улкан қадам бўлди.

Албатта, бу ҳақда узоқ ва батафсил гапириш мумкин. Лекин бугунги тантанали маросим янгича мазмун ва йўналишда ўтаётганини ҳисобга олиб, мен фақат энг муҳим ўзгаришлар ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман. Жорий йил якунлари ва янги йилга ном бериш тўғрисида эса Ўзбекистон Республикаси Президентининг яқин кунларда Олий Мажлис палаталарига тақдим этиладиган Мурожаатномасида атрофлича фикр юритилади, албатта.

Биз кириб келаётган янги йилга халқимизнинг хоҳиш-истаклари ва манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ном берамиз. Ўйлайманки, у сизларга албатта маъқул бўлади.

Маълумки, бу йил давлат ҳокимияти тизимида мутлақо янги институт – Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси, жойларда Халқ қабулхоналари ташкил этилди. Ушбу тузилмалар барча даражадаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фуқаролар билан ҳамкорлик қилиш, аҳолининг энг долзарб муаммоларини ҳал этишнинг самарали тизимига айланди.

Ҳокимиятнинг халқ сайлаган вакиллик органлари – парламент, халқ депутатлари кенгашларининг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги роли ва аҳамияти тубдан ўзгарди. Олий Мажлис, сиёсий партияларнинг ваколатлари босқичма-босқич кенгайтирилди,

парламент ва жамоатчилик назорати институтлари мустаҳкамланмоқда.

Пойтахтимиз Тошкент шаҳрида туманлар даражасида халқ депутатлари кенгашлари таъсис этилди. Шу вақтгача пойтахт туманларининг фуқаролари бундай имкониятга эга эмас эди. Биз бу борада адолатни тиклаб, Конституциямизга тегишли ўзгартиришлар киритдик. Тошкент шаҳри аҳолиси ҳам энди ўз вакиллари – депутатлар орқали туманларни бошқаришда иштирок этиш имкониятига эга бўлмоқда.

Барчангиз хабардорсиз, шу йил 24 декабрда илк бор пойтахтимиз туман кенгашларига сайловлар бўлиб ўтади. Ана шу сайловларда эл-юрт учун чинакам жон куйдирадиган, одамийлик фазилатлари ва гражданлик позицияси билан аҳоли ўртасида ҳурмат-эътибор қозонган инсонлар халқ ноиблари этиб сайланадилар, деб ишонамиз.

Ўтган даврда ижро этувчи ҳокимиятни демократлаштириш ишлари ҳам изчил олиб борилди. Ҳукуматнинг вазифа ва ваколатлар доираси кенгайтирилиб, парламент олдида ҳисоб бериш даражаси ва масъулияти кучайтирилди. Бу Конституциянинг 7-моддасида мустаҳкамланган **“Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир”** деган улуғвор ғоянинг амалий ифодаси, десак, ҳар томонлама тўғри бўлади.

Шу билан бирга, **ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга экани, жиноят содир этишда айбланаётган шахснинг айби судда аниқ бўлмагунча у айбдор ҳисобланмаслиги** тўғрисидаги конституциявий нормаларни амалда таъминлаш бўйича зарур чоралар кўрилди. Албатта, бу қондани ҳаётга тўлиқ татбиқ этиш, биринчи навбатда, судларнинг чинакам мустақиллиги, уларнинг адолатли фаолият юритиши билан чамбарчас боғлиқ.

Шу мақсадда биз суд тизимини тубдан ислоҳ қилишга алоҳида эътибор бермоқдамиз. Жумладан, ягона суд амалиётини таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий ҳўжалик суди бирлаштирилди.

Судьяларни танлаш ва лавозимларга тайинлашда ноқонуний аралашувларнинг олдини олиш, очиқ, ошкора ва муқобил танлов тизимини яратиш мақсадида Судьялар олий кенгаши таъсис этилди.

Судья лавозимига муддатсиз тайинлаш амалиёти жорий қилинди. Биз бу борада жаҳон тажрибасини чуқур ўрганиб, ўз тарихимизда биринчи марта шундай янгиликни амалга оширдик. Шу асосда судьяларнинг фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича мустақиллигининг кафолатлари кучайтирилди.

Содда қилиб айтганда, судья муддатсиз даврга тайинлансин, лекин у доим халқпарвар бўлиб, адолатли иш олиб борсин. Судья адолатли ҳукм чиқариши учун аввало халқни, унинг ҳаётини, дарду ташвишларини яхши билиши керак.

Ана шу ислохотларнинг мантиқий давоми сифатида маъмурий судлар фаолияти йўлга қўйилди. Эндиликда фуқароларимизнинг ҳақ-ҳуқуқлари давлат идоралари томонидан бузилса, улар ҳар бир туман ва шаҳарда тузилган маъмурий судларга мурожаат қилишлари мумкин. Хабарингиз бор, илгари ҳар бир туманда бундай судлар бўлмагани туфайли одамлар ўз муаммоларини вақтида ҳал қилолмасдан сарсон бўлар эди.

Судларнинг халқ олдидаги масъулиятини ошириш мақсадида янги тайинланаётган судьялар тегишли ҳудуд жамоатчилиги, маҳалла фаоллари муҳокамасидан ўтказилмоқда.

Биз нима учун бундай тартибни жорий этдик?

Кўпгина жойларда одамлар судларнинг раисини аксарият ҳолатда танимаслиги, суд идоралари эса халқ ҳаётидан, унинг дарду ташвишларидан узоқлиги маълум бўлди.

Эндиликда фуқароларнинг ижобий фикри мавжуд бўлган тақдирдагина судьяликка номзодлар лавозимга тайинланмоқда.

Суднинг тарбиявий ролини кучайтириш, унинг фаолиятида очиқлик ва ошкораликни таъминлаш, суд ҳукмларини қабул қилишда жамоатчилик фикрини инобатга олишга жиддий эътибор қаратилди.

Шу мақсадда суд ишларини сайёр тартибда кўриш йўлга қўйилди. Биргина жорий йилнинг ўтган даврида судлар томонидан

373 минг 256 та иш кўриб чиқилган бўлса, шундан 169 минг 289 таси ёки 45 фоизи сайёр суд муҳокамаларида кўрилди.

Ишларни назорат тартибида кўриш муддатлари уч йилдан бир йилга қисқартирилди. Апелляция ва кассация инстанциялари босқичида иш юзасидан юқори суд инстанцияси томонидан якуний қарор чиқариш кафолатлари мустаҳкамланди. Чунки, илгари Олий суд масъулиятни ўз зиммасига олишни истамас эди. Янги тартиб жорий этилиши билан фуқароларимизнинг судма-суд овораю сарсон бўлиб юриши каби салбий амалиётга барҳам берилди.

Кўпчилик яхши билади, илгари қарийб 90 фоиз жиноий ишлар қайта терговга юборилар эди. Эндиликда судлар томонидан жиноят ишларини қўшимча терговга қайтариш тартиби бекор қилинди. Бу эса суд ва тергов органларининг ҳақиқатни аниқлаш, шунингдек, қонуний, асосли ва адолатли қарорлар қабул қилиш борасидаги масъулиятини оширди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, жорий йилнинг 10 ойи давомида судлар томонидан 191 нафар шахсга нисбатан оқлов ҳукмлари чиқарилди. Ҳолбуки, илгари битта оқлов ҳукми чиқариш ҳам судлар фаолиятида ўта кам учрайдиган ҳодиса эди.

Терговнинг сифати яхшиланиб, терговчилар масъулияти оширилди. Хусусан, шу давр мобайнида тергов органлари томонидан 238 та ҳолатда жиноий ҳодиса юз бермагани аниқланди. 302 та ҳолатда жавобгарликка тортиш муддати ўтгани, 370 та ҳолатда айбдорлар қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлгани инобатга олинди. 549 та ҳолатда қилмиш ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотгани, 1 минг 636 та ҳолатда қилмишда жиноят таркиби йўқлиги исботланди. Ана шундай асосларга таяниб, 3,5 мингдан ортиқ жиноят иши тугатилди.

Ҳар бир ҳукмнинг қонуний ва адолатли бўлишини таъминлаш мақсадида жамоатчилик фикрини инобатга олиш амалиёти йўлга қўйилди.

Маҳалла фуқаролар йиғинлари, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи туман ва шаҳар кенгашлари, хотин-қизлар кўмиталари кафиллиги асосида судланувчиларга, айниқса, ёшларга озодликдан маҳрум

қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо турлари тайинланмоқда. Уларнинг тўғри йўлга қайтишлари учун яна бир бор имконият берилмоқда. Хусусан, шу йилнинг ўзида маҳалла фуқаролар йиғинлари кафиллиги асосида – 152 нафар, Ёшлар иттифоқи кафиллиги асосида – 18 нафар, хотин-қизлар кўмиталари кафиллиги асосида – 3 нафар, жами 173 нафар фуқарога нисбатан жазо тайинлашда жамоатчилик кафиллиги эътиборга олинди. Бу фуқароларнинг 38 нафарини ёшлар, 18 нафарини вояга етмаганлар, 11 нафарини аёллар ташкил этади. Масалан, биргина Шайхонтохур туманида 15 нафар шахсга нисбатан жазо тайинлашда маҳалла фуқаролар йиғинларининг кафиллиги эътиборга олинди.

Ана шундай ишлар натижасида мамлакатимиз бўйича 63 нафар шахс суд залидан қамокдан озод қилинди, 11 нафар шахс жавобгарликдан озод қилинди, 97 нафар шахсга нисбатан енгилроқ жазо тури қўлланди.

Ҳурматли маросим қатнашчилари, келинг, ўзимизга бир савол берайлик: аслида, одамни суд қилишдан мақсад нима? Уни тарбиялаш, тўғри йўлга солиш эмасми? Жиноятчиликнинг олдини олиш эмасми?

Лекин инсонни фақат жазолаш билан, фақат репрессив усуллар билан тарбиялаб бўлмайди. Буни ҳаётнинг ўзи кўп бор исботлаган. Инсонни тарбиялаш учун бутун жамият ҳаракат қилиши, авваламбор, жинойий ҳолатларни туғдирадиган сабаб ва омилларни ҳаётимиздан бартараф этишимиз керак. Барчамиз биргаликда шу ишга ҳисса қўшишимиз керак.

Айни вақтда ҳаммамиз яхши тушунамизки, суднинг мустақиллигини таъминлаш, уни инсон манфаатларининг чинакам ҳимоячисига айлантириш учун ҳали кўп иш қилишимиз зарур.

Аҳоли билан ўтказилаётган очиқ мулоқот натижалари бир ҳақиқатни яққол кўрсатмоқда: суд-тергов амалиётида далилларни тўплаш ва баҳолашда қонунийлик ва холисликни таъминлашга тўсқинлик қиладиган ҳолатлар тўлиқ бартараф этилмаган.

Шунинг учун ҳам ўтган ҳафтада

“Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинлик-лари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”

ги Президент Фармони қабул қилинди. Ушбу Фармонга биноан бундан буён Ўзбекистонда қийноққа солиш, руҳий, жисмоний босим ўтказиш ва бошқа зўравонлик ҳолатларига мутлақо йўл қўйилмайди. Бундай жиноий қилмишларни содир этган ҳар қандай шахс, у ким бўлишидан қатъи назар, муқаррар равишда жавобгарликка тортилади.

Жиноят ишлари доирасида ноқонуний усуллар билан олинган ҳар қандай маълумотлардан, жумладан, аудио ва видео материаллардан, ашёвий далиллардан фойдаланиш қатъиян тақиқланади. Қийноққа солиш, ҳимояга бўлган ҳуқуқни бузиш, инсонни алдаш ва тергов жараёнида бошқа ноқонуний усулларни қўллаш ман этилади.

Далилларни сохталаштириш учун алоҳида жиноий жавобгарлик жорий қилинади.

Эндиликда адвокатлар жиноят иши бўйича далилларни тўплаш ва тақдим этиш ҳуқуқига эга бўлади. Бу далиллар тергов ва суд идоралари томонидан мажбурий текширилиши ва баҳоланиши керак.

Қийноққа солиш каби ноқонуний усулларни қўллашни қатъиян чеклаш мақсадида тергов ва вақтинча сақлаш ҳибсхоналари видеокузатув воситалари билан жиҳозланади.

Энг муҳими, ноқонуний усуллар қўллаш тўғрисидаги биронта ҳам хабар эътиборсиз қолмаслиги шарт. Прокуратура органлари ҳар бир ҳолат бўйича чуқур текширув ўтказиб, айбдор шахсларнинг муқаррар жавобгарлигини таъминлайди.

Нега мен бу ҳақида куйиб-пишиб гапиряпман? Президент фармон қабул қилди, шу билан ҳамма нарса ўз-ўзидан ҳал бўлади, деб ўйламанглар. Лекин бу фармон ҳали фақат қоғозда, уни амалга ошириш учун ҳаммамиз биргаликда ҳаракат қилмасак, кутилган натижага эришиш қийин бўлади.

Биз суд-ҳуқуқ соҳасини тубдан ислоҳ қилишга алоҳида аҳамият бераётганимиз бежиз эмас. Чунки, Конституциямизда мустақамланган инсон ҳуқуқларини таъминлаш ушбу ислоҳотларнинг амалий натижаси билан бевосита боғлиқдир.

Бу жараёнда энг асосий эътибор фуқароларимизга ўз ҳуқуқларини рўёбга чиқариш учун кенг имкониятлар яратишга қаратилди. “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонун янги таҳрирда қабул қилинди. Шу асосда аҳоли учун мақбул бўлган усуллар – “ишонч телефонлари” ва тезкор алоқа телефонлари орқали ҳамда видеоконференцалоқа воситасида мурожаат қилиш тартиби жорий этилди.

Фуқароларимизнинг Конституцияда муҳрлаб қўйилган **давлат органлари ва муассасаларига, халқ вакилларига мурожаат қилиш ҳуқуқини** таъминлаш мақсадида оммавий учрашувларда мурожаатларни қабул қилиш тартиби белгиланди. Бугунги кунда фуқароларимиз мансабдорлар олдида эмас, балки мансабдор шахсларнинг ўзи халқимиз олдида бормоқда. Бу – катта ўзгариш.

Айни вақтда кўп раҳбарлар булар ҳаммаси вақтинча, бир йиллик иш, деган хом хаёл билан юрибди. Аммо улар шуни қулоғига қуйиб олсин, кўприклар аллақачон ёниб кетган. Энди ҳеч қачон орқага қайтмаймиз.

Жорий йилда суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари ҳамда тижорат банклари раҳбарлари мамлакатимизнинг кўплаб ҳудудларида сайёр қабуллар ўтказди. Бу қабулларда коррупцияга қарши курашиш, унинг олдини олиш билан боғлиқ муаммолар бўйича 43 минг 127 нафар фуқаро иштирок этди.

Бу тадбирларда фуқаролар томонидан кредит ажратиш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд органлари қарорларига доир, бандлик ва иш ҳақи тўловлари, тадбиркорлик, электр ва табиий газ таъминоти, соғлиқни сақлаш ва бошқа масалаларга оид 22 минг 186 та мурожаат билдирилди. Мурожаатларнинг 6 минг 484 таси жойида ҳал этилди, 15 минг 702 таси тегишли органларга кўриб чиқиш учун топширилди. 94 та ҳолат юзасидан хизмат

текширувлари тайинланиб, айбдор шахсларнинг жавобгарлиги белгиланди.

Илгари Бош прокуратура, суд ва бошқа органлар раҳбарларининг вилоятларга боришга вақти йўқ эди. Улар Тошкентда ўтириб иш кўрар эди. Шунинг учун ҳаётдан, одамларни қийнаётган муаммолардан узоқлашиб кетган эди.

Шу борада яна бир муҳим ҳужжат – “Ҳуқуқий ахборотни тарқа-тиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида” янги Қонун қабул қилинди. Унда фуқароларнинг

ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар ва бош-қа материаллар билан танишиб чиқиш имконияти янада оширилди.

Бундан кейин фуқароларимиз ҳар қандай давлат органи, бошқа ташкилотлар ва мансабдор шахслардан ҳуқуқий ахборотни ҳеч қандай чекловсиз олиши кафолатланади.

Нима учун бундай қоида жорий этилди? Одамлар сўраб борса, тумандаги энг кичик амалдор ҳам бирорта ҳужжатни уларга бермайди. Бунга катталар рухсат бермайди, деб баҳона қилади. Энди бундай “ўйин”лар кетмайди. Нега деганда, эндиликда Президентдан бошлаб энг қуйи бўғиндаги раҳбарларгача халқимиз хизматида бўлади.

Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларимиз тизимини такомиллаштириб бориш ҳам эътиборимиз марказида бўлди.

Конституциямизда муҳрлаб қўйилган

“Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли” ҳамда “Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясида”

деган нормаларни амалда рўёбга чиқариш мақсадида янги институт – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Тадбир-корлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил институти таъсис этилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили фаолияти такомиллаштирилди.

Унинг жазони ижро этиш муассасаларида назоратни амалга оширишга оид ваколатлари кенгайтирилди.

Адашиб жиноят йўлига кирган ёки содир этган қилмишидан чин дилдан пушаймон бўлган инсонларга яна бир бор имкон бериш, уларни жамиятга, оиласи бағрига қайтариш муҳим ижтимоий масалалардан бири ҳисобланади. Нега деганда, улар ҳам Ўзбекистон фуқаролари, шу юрт фарзандларидир.

Бугунги тарихий сана арафасида мен Президент сифатида ўзимнинг конституциявий ваколатимдан фойдаланиб, судлар томонидан ҳукм қилинган 2 минг 700 нафар шахсни афв этиш тўғрисидаги Фармонни имзоладим.

Бундай Фармон Ўзбекистон тарихида биринчи марта қабул қилинди.

Мен шу ўринда бир нарсани алоҳида тушунтириб ўтмоқчиман. Юридик соҳадан йироқ бўлган одамлар амнистия ва афв деган тушунчаларнинг фарқига бормаслиги сир эмас.

Ҳаммамизга яхши маълум, шу вақтгача мамлакатимизда ҳар йили амнистия актлари қабул қилинар эди. Амнистиянинг асосий мазмуни шундан иборатки, у аввал жиноятлар тоифасини белгилаб беради, кейин эса ана шу жиноятлар тоифасига тушадиган шахслар аниқланади.

Албатта, амнистия жиноят содир этган одамларни кечириш бўйича муҳим механизмлардан бири. Бироқ, таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, олдиндан чуқур ўрганмасдан туриб жавобгарликдан озод қилишни белгилаш қилмишига пушаймон бўлмаган, етказилган зарарни тўлиқ қопламаган шахслар ҳам амнистия доирасига кириб қолишига сабаб бўлган. Бу масалада, минг афсуски, коррупция ҳолатлари ҳам бўлган деб айтсак, тўғри бўлади. Прокуратура, ички ишлар ва суд идораларида ҳам бундай номаъқул ишларга йўл қўйилган.

Бу эса амнистияга тушган кимсаларда жазони ҳис этмаслик, бизга ҳамма нарса мумкин, деган нотўғри кайфиятнинг шаклланишига олиб келган.

Энг ёмони, амнистияни қўллашда жабрланган тараф ва жамоатчилик фикри инобатга олинмаган, бу эса фуқароларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда. Шунинг учун, афсуски, амнистия бўйича озод қилинган шахслар томонидан қайта жиноят содир этиш ҳолатлари ҳам учрамоқда.

Ана шу ҳолатларни инобатга олиб, махсус комиссия томонидан жазо ўтаётган ҳар бир шахс билан алоҳида суҳбат ўтказилди, у яшаган маҳалла аҳли, жабрланган одамларнинг фикри ўрганилди.

Бу жараёнда содир этилган жиноятнинг оғирлик даражаси, суд тайинлаган жазонинг қанчалик адолатли экани ҳам эътиборга олинди. Чуқур таҳлил ва ўрганишлар натижасида чин кўнгилдан пушаймон бўлган, жиноятни билиб-билмай содир этган, тузалиш йўлига қатъий ўтган маҳкумларнинг аниқ доираси белгиланди ва айнан шундай шахслар афв этилди.

Ўйлайманки, Президент томонидан кечирилган ҳар бир шахс ўзига билдирилган ишончни оқлаб, юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларга муносиб ҳисса қўшади, жамиятда ўз ўрнини топади.

Мен бундан ҳам кўпроқ одамни афв этишга ҳам тайёр эдим, лекин жамиятимиз ҳали бунга тайёр эмас. Бунинг учун жамиятимизда афв этилаётган маҳкумларни кафилликка олиш муҳити ва масъулияти тўла қарор топиши керак.

Шу ўринда яна бир муҳим масалага эътиборингизни қаратишни жоиз, деб биламан.

Маълумки, давлат органларига кадрларни танлашда эскидан сақланиб қолган, қўштирноқ ичидаги бир “тизим” мавжуд эди. У ҳам бўлса, яқин қариндошлари судланган, деб фуқароларни ишга қабул қилмаслик ёки юқори лавозимларга тайинламаслик билан боғлиқ. Бундай номаъқул ёндашув туфайли кўплаб ёшларимиз, малакали мутахассисларимиз “беайб айбдор бўлиб”, яқин қариндошларининг қилмишлари учун жабр тортиб келдилар.

Ўзингиз айтинг, бу адолатданми? Менинг фикримча, адолатдан эмас. Нима сабабдан бир жиноят учун бутун бир авлод жавоб

бериши керак? Отасининг қилмиши учун нега фарзандлари ёки ака учун ука жавоб бериши керак?

Демократик нормаларга ҳам, ҳаётнинг бугунги талабларига ҳам мутлақо тўғри келмайдиган бундай адолатсиз “тизим”дан биз энди бутунлай воз кечамиз.

Чунки халқимизга нисбатан собиқ тузум даврида, айниқса, ўтган асрнинг 37-йилида қилинган адолатсизликлар ўзи етарли албатта. Бундай ярамас ишлар бизнинг ҳаётимизда энди мутлақо бўлмаслиги керак.

Ҳурматли юртдошлар!

Конституциямизнинг 37-моддасида белгиланган **мажбурий меҳнатни тақиқлаш** тўғрисидаги қоидага қатъий амал қилиш учун йил давомида бир қатор ишлар бажарилди. Хусусан, таъсирчан парламент ва жамоатчилик назорати ўрнатилди. Фуқароларнинг кафолатланган меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш масалалари бўйича Парламент комиссияси тузилди. Депутат ва сенаторлардан иборат ишчи гуруҳлар республикамизнинг барча ҳудудларига чиқиб, болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик бўйича парламент назоратини амалга оширмоқда.

Мана, бу йил ҳаммангиз кўрдингиз, эшитдингиз, биз бюджет ташкилотлари ходимлари ва талабаларни мажбурий равишда пахта теримига чиқаришни қатъиян тақиқладик.

Пахта мавсумида Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатнинг олдини олиш бўйича тизимли мониторинг йўлга қўйилди.

Бу муҳим масалани аввало ўзимиз қаттиқ назоратга олганимиз туфайли биронта салбий ҳолат аниқланмади. Амалга оширилган ишлар самараси халқаро ташкилотлар, қолаверса, кенг жамоатчилик томонидан эътироф этилмоқда.

Инсон ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган ҳаракатларимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор тараққиёт мақсадларига тўла ҳамоҳангдир.

Бу ҳолат тарихимизда биринчи марта Ўзбекистонга ташриф буюрган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари

бўйича Олий комиссари Зайд Раад ал-Хусайн ҳамда Дин ва эътиқод эркинлиги масалалари бўйича махсус маърузачиси Аҳмад Шоҳид томонидан ҳам эътироф этилди.

Таъкидлаш керакки, Конституциямизда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг асосий принциплари ўз аксини топган. 2018 йил ушбу декларациянинг 70 йиллиги бутун дунёда кенг нишонланади. Биз ҳам инсон ҳуқуқларига оид биринчи универсал халқаро ҳужжат бўлган мазкур декларациянинг мазмун-моҳиятини атрофлича тарғиб этиш учун махсус Давлат дастурини қабул қиламиз.

Ана шундай амалий тадбирларимизнинг якуни сифатида 2018 йил ноябрь ойида Самарқанд шаҳрида Инсон ҳуқуқлари бўйича Осиё халқаро анжуманини ўтказиш ташаббуси билан чиқмоқдамиз.

Ҳаммангизга аёнки, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда ички ишлар идоралари ғоят муҳим аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан ўтган даврда ушбу идораларнинг фаолияти ҳам тубдан ислоҳ қилинди.

Халқ манфаатларига хизмат қилиш

улар фаолиятининг асосий мезони этиб белгиланди.

Жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида янги дастур ва режалар амалга оширилмоқда. Жумладан, соҳага ахборот-коммуникация технологиялари кенг жорий этилмоқда. Маҳаллалар, кўчалар, савдо ва хизмат кўрсатиш объектларида 114 мингдан ортиқ видеокузатув воситаси ўрнатилди. Уларнинг ёрдамида 10 мингга яқин жиноят фош этилди.

Йил давомида жиноятчилик даражаси 2016 йилга нисбатан 14 фоизга камайди ва бунда ана шу ишларнинг аҳамияти катта бўлди.

Янги йилдан бошлаб жиноят содир этилмаётган маҳалла профилактика инспекторининг ойлик иш ҳақига 50 фоиз устама кўшиб берилади. Аксинча, ўз ҳудудида жиноятнинг кўпайишига йўл қўйган профилактика инспекторининг ойлигидан эса 50 фоиз ушлаб қолинади.

Узоқ тумандан келиб профилактика инспектори бўлиб ишлаш мумкин эмас. Шунинг учун уларни уй-жой, хизмат машиналари билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор бераяпмиз.

Бу соҳадаги мақсадимизни қисқача ифода этадиган бўлсак, **биз келажақда эл-юртимизнинг ишончи ва меҳрини қозонган, том маънодаги халқпарвар ички ишлар тизимини яратишимиз керак.** Албатта, “Хавфсиз шаҳар” лойиҳасини ҳаётга татбиқ этиш натижасида бу борадаги ишларимиз самараси янада ортиб боради.

Айни вақтда бу ишлар катта йўлнинг бошланиши, дастлабки босқич эканини ўзимизга яхши тасаввур этамиз. Жамиятимизда

“Қонун ва адолат – устувор, жиноятга жазо – муқаррар” деган принципни қарор топтириш учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз.

Мазкур йўналишдаги эътиборга молик ишлар қаторида **коррупцияга қарши курашишнинг яхлит тизими** яратилганини алоҳида таъкидлаш лозим.

“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши давлат аппарати ва фуқаролик жамияти институтларининг ушбу хавфли иллат билан курашдаги куч ва имкониятларини бирлаштириш имконини берди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолият мазмуни бутунлай ўзгармоқда. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг мутлақо янги тизими яратилди. Фақат жазолаш билан кўрқитиб, ҳуқуқбузарликларнинг оқибати билан курашиш эмас, балки ноқонуний ҳаракатлар содир этилишининг барвақт олдини олиш энг долзарб вазифага айланди.

Маълумки, Асосий қонунимизда **“Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилиши”** тўғрисидаги норма белгилаб қўйилган. Унинг ижросини амалда таъминлаш мақсадида **Маъмурий ислоҳотлар концепцияси** қабул қилинди.

Концепцияга асосан давлат бошқаруви тизимини тубдан ислоҳ қилишнинг 6 та устувор йўналиши белгиланди ва махсус “йўл харитаси” бўйича 100 дан ортиқ ижро ҳокимияти органлари фаолияти қайта кўриб чиқилмоқда.

Маъмурий ислохотларни амалга оширишдан асосий мақсад – ихчам ва профессионал ижро органлари тизимини, замонавий менежментга асосланган бошқарув тизимини яратишдан иборат.

Шу борада бир фикрни ҳаммамиз чуқур тушуниб олишимизни истардим.

Бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар самараси авваламбор юксак маънавиятли, мустақил фикрлайдиган, Ватанимиз тақдири ва истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир ёш кадрлар сафини кенгайтиришга бевосита боғлиқ.

Шу мақсадда яна бир муҳим ҳужжат – **“Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”**ги Фармон қабул қилинди.

Бу ҳақда гапирганда, Ўзбекистон аҳолисининг 60 фоизидан зиёдини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этишини таъкидлаш лозим. Биз ёшлар учун уларнинг соғлом туғилишидан бошлаб, токи мустақил ҳаётга киргунича барча зарур шароитларни яратиб бериш мақсадида қандай катта ишларни амалга ошираётганимиз сизларга яхши маълум.

Мана, биз Самарқандда Имом Бухорий номидаги Халқаро илмий-тадқиқот марказини, Тошкент шаҳрида эса Ислом цивилизацияси марказини барпо этмоқдамиз. Бу ишларни кимгадир кўз-кўз қилиш учун амалга ошираётганимиз йўқ. Мақсадимиз – ислом динининг ҳақиқий инсонпарварлик моҳиятини, маърифий исломни болаларимиз онгига сингдириш. Шу йўлда бизнинг буюк аجدодларимиз қандай улуғ ишларни амалга оширганлари ҳақида улар ана шундай масканларга келиб ўзлари учун керакли бўлган энг муҳим бўлган билим ва тасаввурларга эга бўлади. Энг асосийси, уларнинг қалбида бой тарихимиз, маданий меросимиз билан фахрланиш туйғуси камол топади.

Айни пайтда фарзандларимиз тарбиясида энг асосий бўғин ҳисобланган мактабгача таълим тизимининг замон талабларига мос келмаслиги ҳам сир эмас. Ушбу соҳага бир пайтлар эътиборимизни

сусайтириб юборганимиз оқибатида кўпгина муаммолар йиғилиб қолганини очиқ айтиш лозим.

Боғча тарбиясини кўрган боланинг онги, дунёқараши қандай юқори бўлишини бугун кимгадир исботлаб ўтиришнинг, ўйлайманки, ҳеч қандай ҳожати йўқ.

Бу ҳолатларнинг барчасини ҳисобга олиб, **Мақтабгача таълим вазирлиги** ташкил этилди. Мазкур вазирлик зиммасига маъмурий ислохотлар доирасида белгиланган устувор йўналишлардан келиб чиқиб, бир қатор муҳим вазифалар юкланди.

Бу борада қабул қилинган дастурга мувофиқ яқин 3-4 йил мобайнида юртимиздаги барча ҳудудларда – бу катта шаҳарлар бўладими ёки олис қишлоқ ва овуллар бўладими, минглаб янги боғчаларни қуришимиз зарур. Уларни замонавий талаблар асосида жиҳозлаб, малакали тарбиячи ва мутахассислар, янги методика билан таъминлашимиз керак.

Ўзингиз тасаввур қилинг, қишлоқда яшаётган оналар учун, опасингиларимиз учун ўз фарзандини боғчага бериш имконияти қандай янги, қандай кенг шароитлар туғдиради. Бола боғчада соғлом турмуш асосида, мактабга тайёр бўлиб вояга етади.

Ҳурматли аёлларимиз боласидан кўнгли тўқ бўлиб, ижтимоий меҳнат билан, уй-рўзғор ишлари билан бемалол шуғулланади. Қолаверса, уларда дам олиш, ўз соғлиғи ҳақида ўйлаш учун озгина бўлса ҳам шароит пайдо бўлади.

Шунинг учун мактабгача таълим соҳасида ана шундай улкан ислохотларни ҳаётга жорий этиш биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир. Қанчалик қийин бўлмасин, бу тарихий вазифани амалга оширишимиз шарт ва уни барчамиз биргаликда албатта бажарамиз.

Ҳурматли дўстлар!

Маълумки, Конституциямизнинг 53-моддасида “**Давлат иқтисодий фаолият, тадбиркорлик эркинлиги, хусусий мулк дахлсизлиги ва муҳофаза этилишининг кафолати**”, деб белгилаб қўйилган. Бу фикрнинг амалий исботи сифатида жорий йилда миллий валютамиз – сўмнинг эркин конвертациясига йўл очилди.

Божхона тўловлари ставкалари 2 баробар пасайтирилди, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини режадан ташқари ва муқобил текширишлар бекор қилинди.

Халқимиз учун муносиб ҳаёт даражасини яратиб бериш мақсадида, энг аввало, кучли иқтисодий ва барпо этиш, мамлакатимизнинг халқаро майдонда ҳар томонлама рақобатбардошлигини таъминлашимиз зарур.

Бугунги кунда дунё миқёсида шафқатсиз рақобат тобора кескин тус олмоқда. Бундай мураккаб шароитда замонавий илм-фан ва инновация ютуқларини кенг жорий этиш бўйича биз узлуксиз иш олиб боришимиз керак.

Нега деганда, бу масала ҳозирги вақтда аҳоли фаровонлигини юксалтириш, давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини барқарор ривожлантириш, Ватанимизнинг ёруғ келажагини бунёд этишнинг ҳал қилувчи омилига айланмоқда.

Яқинда қабул қилинган **“Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”**ги Фармон айни шу мақсадларни рўёбга чиқаришга қаратилгани билан гоёт муҳим аҳамиятга эга.

Азиз юртдошлар!

Фуқароларимизнинг Конституцияда мустаҳкамланган ижтимоий ҳуқуқларини таъминлаш борасида йил давомида қишлоқ жойларда янги намунавий лойиҳалар асосида 24 мингта, шаҳарларда 187 та замонавий кўп қаватли уй-жойлар барпо этилди.

Аҳолини марказлаштирилган тармоқлар орқали сув билан таъминлаш мақсадида 218 та лойиҳа амалга оширилиб, 350 минг кишининг сув таъминоти яхшиланди.

Қишлоқ врачлик пунктлари негизида 800 га яқин оилавий поликлиникалар, 400 дан зиёд тез тиббий ёрдам шохобчалари ташкил этилди. Тез тиббий ёрдам хизматлари 1 минг 260 та махсус транспорт воситаси билан таъминланди. 300 дан ортиқ мактабгача таълим муассасаси таъмирдан чиқарилди.

Соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш борасидаги ишларга келгуси йилда ҳам алоҳида устувор аҳамият қаратамиз.

Ижтимоий адолат тамойилини таъминлаш, кўмак ва ёрдамга муҳтож инсонлар, ногиронлиги бўлган шахсларнинг тўлақонли ҳаёт кечиришлари учун муносиб шароит яратиб бериш масаласига давлатимиз ва жамиятимиз томонидан устувор аҳамият қаратилди.

Шу борада жорий йилнинг ўзида ногиронларга 2 триллион 600 миллиард сўм пенсия ва нафақалар тўланди.

Кам таъминланган, уй-жойга муҳтож 1 минг 200 дан ортиқ ногирон фуқароларга арзон уй-жой ажратиш бўйича шартномалар имзоланиб, бошланғич тўловлар учун 22 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилди.

Меҳнатга лаёқати чекланган 972 нафар ногирон аёлга касаначилик билан шуғулланиш учун тикув машиналари олиб берилди ва улар учун доимий даромад манбаи яратилди. Шу тоифага мансуб фуқароларга 7 мингдан ортиқ протез-ортопедия воситалари, 6 минг 500 дан ортиқ ногиронлик арава-чалари, 1 минг 600 га яқин эшитиш аппаратлари бепул берилди.

Ногиронлиги бўлган ва нафақа ёшидаги фуқароларнинг даволаш-профилактика муассасаларида бепул даволаниши учун 23 минг 500 га яқин йўлланма ажратилди.

Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Лекин аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга малакали тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш, касбга ўқитиш, бандлигини таъминлаш бўйича ҳали олдимизда кўп вазифалар турибди.

Шунинг учун бу борадаги ишларимизни такомиллаштиришга қаратилган таклифларни тайёрлаш бўйича комиссия тузилиб, соҳада чуқур ўрганишлар ўтказилди.

Кенг жамоатчилик вакиллари томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида **“Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги Фармон қабул қилинди ва бу борада қўшимча имтиёз ва имкониятлар берилди.

Бу йўналишда яна бир муҳим ҳужжат – **“Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари тўғрисида”**ги Қонун қабул қилинади.

Бу масалаларни ҳал қилиш учун Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошида ташкил этилаётган Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси самарали фаолият кўрсатиши керак. Шунингдек, ёлғиз қариялар, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож бошқа қатламларини ижтимоий муҳофаза қилишга ихтисослаштирилган махсус тузилма ўз ишини кучайтириши талаб этилади.

Бундай савобли ишларни рўёбга чиқаришда жамоатчилигимиз, бутун халқимиз албатта фаол иштирок этади, деб ишонаман.

Ҳурматли маросим иштирокчилари!

Мамлакатимизда демократик ислохотларни чуқурлаштириш бўйича олдимизда улкан ва муҳим вазифалар турганини, ўйлайманки, барчамиз яхши тушунамиз.

Бу борада ҳар қандай ислохот конституциявий тамойил ва қоидаларга мувофиқ тарзда амалга оширилиши, қонун устуворлиги бош мезон бўлиши зарур.

Бизнинг мақсадимиз – халқ ҳокимиятини сўзда эмас, амалда таъминлашдан иборат. Бу – биз яшаётган бугунги мураккаб даврнинг асосий талабидир. Такрор айтишга тўғри келади – одамларимиз ўз ҳаётида ижобий ўзгаришларни бугун кутмоқда.

Шу сабабли биз ўз фаолиятимизни

“Буюк келажакимиз бугундан бошланади” деган шиор асосида ташкил этишимиз, халқимизнинг фаровон ҳаётини таъминлаш учун бор куч ва салоҳиятимизни ишга солишимиз зарур.

Бу ҳақда сўз юритганда, эътиборингизни қуйидаги устувор масалаларга қаратмоқчиман:

Биринчидан, давлат органларининг кундалик фаолиятида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлигига оид конституциявий тамойил сўзсиз таъминланиши шарт.

“Халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилиши керак” деган принцип барча бўғиндаги раҳбарлар фаолиятида асосий қоидага айланиши керак. Албатта, раҳбарларнинг ишга муносабатини ўзгартиришга ҳаракат

қиялпмиз, лекин онгу тафаккури қотиб қолган раҳбарларни ўзгартириш қийин бўлмоқда.

Мунтазам равишда жойларга чиқиб, одамларнинг эҳтиёжлари, муаммолари билан яшаш ва уларнинг ечимини топиш вазифаси мансабдорлар томонидан хўжакўрсинга эмас, балки амалда таъминланиши зарур.

Маълумки, биз халқ ичига кириб бориш, аҳоли билан мулоқот ўрнатиш йўлида биринчи қадам сифатида ҳар бир туман ва шаҳарда Халқ қабулхоналарини ташкил этдик. Улар одамларнинг кўплаб муаммоларини ечишда амалий ёрдам берадиган яхлит тизимга айланди. Бир йилда 1,5 миллионга яқин мурожаат кўриб чиқилди.

Бугунги кунда аҳолимизнинг Халқ қабулхоналарига бўлган ишончи тобора ортиб бормоқда. Ушбу тузилмаларнинг давлат органлари мансабдор шахслари масъулиятини оширишдаги роли борган сари кўпроқ сезилмоқда.

Барчамиз яхши тушунамиз, халқимизнинг ҳаёт даражаси ўсиши, кўпгина муаммолар ҳал қилиниши билан Халқ қабулхоналарига мурожаатлар камайиб боради. Шунинг учун бу қабулхоналар имкониятларини биз давлат хизматларини кўрсатиш соҳасига йўналтирамиз.

Шу мақсадда барча давлат идоралари ва Адлия вазирлиги қошидаги “Ягона дарча” марказлари томонидан кўрсатиладиган хизматларни Халқ қабулхоналари орқали самарали ташкил этиш масаласи кўриб чиқилмоқда. Шу муносабат билан Президент девонининг Фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш хизматига ушбу масалалар билан бевосита шуғулланиш вазифасини юклаш кўзда тутилмоқда.

Мазкур хизмат таркибида янги тузилма ташкил этиб, унга **Тезкор давлат хизматлари агентлиги** деб ном берсак, айни муддао бўларди.

Маълумки, ҳаммамиз деярли ҳар куни турли идораларга мурожаат қиламиз. Дейлик, нотариус, архив ёки кадастр идорасидан, газ, электр, сув таъминоти ташкилотидан ёки

маҳалладан оддий бир маълумотнома олиш учун баъзан кун бўйи навбатда туришга тўғри келади.

Ана шундай, бир қарашда арзимас бўлиб туюладиган ишлар учун одамларнинг қанча вақти, асаби кетади. Шуларнинг ҳаммасини бир жойда, марказлаштирган ҳолда, тезлик билан ҳал қилса бўлади-ку!

Мамлакатимизда барча шаҳар ва туманларда, мисол учун, олис Чимбой ёки Қўрғонтепа туманида ҳам аҳолига давлат хизматларини кўрсатадиган идоралар мавжуд. Улар халққа хизмат қилиш учун тузилган. Лекин, афсуски, аксарият ҳолларда улар халқдан узилиб қолган, десак, бу ҳам тўғри бўлади.

Аслида ХХІ асрда – Интернет ва ахборот коммуникациялари даврида бу ишларнинг барчасини уйдан чиқмасдан туриб, компьютер ёки уяли телефон орқали бажариш имкони бор-ку!

Ривожланган давлатларда бундай тизим аллақачон йўлга қўйилган. Шу тизимни юртимизда ҳам жорий этишга, нима, имкониятимиз йўқми? Бор, албатта. Фақат биз бу масалага қандайдир арзимас, майда масала, деб қарашга ўрганиб қолганмиз. Ҳолбуки, инсон ҳаёти, инсон манфаати билан боғлиқ соҳаларда майда нарсанинг ўзи йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас.

Шунинг учун биз энди давлат хизматларини кўрсатиш борасидаги ишни мутлақо янги асосда ташкил этамиз. Энди давлат хизматларини кўрсатадиган ташкилот ва тузилмалар бевосита жойларга, маҳаллаларга чиқиб, аҳолига хизмат кўрсатади.

Вилоятлар, шаҳар ва туманлардаги Халқ қабулхоналари бу борадаги ишларни мувофиқлаштириб, назорат қилиб боради.

Жанубий Кореяда 750 турдаги давлат хизматлари кўрсатилар экан. Сеул шаҳри маъмурияти вакиллари келиб, Тошкент шаҳрида ҳам шундай хизматларни йўлга қўйиш бўйича ёрдам беради.

Ана шундай тизимни йўлга қўйсак, ўйлайманки, халқимизга катта енгиллик яратилади, одамлар биздан рози бўлади.

Шу муносабат билан Вазирлар Маҳкамасига дахлдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 15 кун муддатда ушбу масала бўйича Президент қарори лойиҳасини киритиш вазифаси топширилади.

Иккинчидан, халқ ҳокимиятчилиги ҳақидаги конституциявий тамойилнинг асл моҳиятини барчамиз чуқур англаб етишимиз зарур.

Бунинг учун турли даражадаги ижро ҳокимияти органларининг халқ вакиллари – парламент ва маҳаллий кенгашлар олдида ҳисобот бериш амалиётини кенг жорий қилиш керак. Парламент, вакиллик ва жамоатчилик назорати механизмларини янада ривожлантиришимиз зарур.

Ҳар бир давлат хизматчиси халқ олдида масъул эканини ҳеч қачон унутмаслиги лозим.

Шу билан бирга, давлат идоралари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш ҳам ушбу тамойилни амалда қарор топтиришнинг ажралмас шarti ҳисобланади.

Одамларимиз давлат органлари, шунингдек, ўзлари сайлаган вакиллар нима билан шуғулланаётганини билишлари, уларнинг фаолиятига ҳолисона баҳо бера олиши учун барча имкониятларни яратишимиз даркор.

Учинчидан, биз учун энг катта бойлик бўлган аҳоли саломатлигини сақлашга оид конституциявий нормалар ижросини таъминлаш давлат сиёсатининг энг устувор йўналишига айланиши лозим.

Қадрли дўстлар!

Азиз ватандошларим!

Сизларни бугунги Конституция байрами билан яна бир бор самимий муборакбод этаман.

Барчамизга келгуси йилда ҳам соғ-саломат ва хуш кайфиятда учрашиш насиб этишини Яратгандан сўраб қоламан.

Эътиборингиз учун раҳмат.

**КОНСТИТУЦИЯ ВА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ – ҲУҚУҚИЙ
ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ
ЭНГ МУҲИМ МЕЗОНИДИР**



**Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси
Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллигига
бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси**

*Тошкент шаҳри, 2019 йил 7 декабрь
Ҳавола: <https://president.uz/uz/lists/view/3119>*

**Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!
Мухтарам меҳмонлар!
Хонимлар ва жаноблар!**
Аввало, барчангизни, бутун халқимизни Ўзбекистон
Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллик бай-

рами билан самимий табриклаб, эзгу тилакларимни изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Ҳурматли дўстлар!

Ҳар бир давлат ўз истиқлол ва тараққиёт йўлини танлар экан, халқ фаровонлигини таъминлашга хизмат қиладиган энг муҳим мақсад ва вазифаларини ўзининг Конституцияси – Асосий қонунида мустаҳкамлаб олади. Бинобарин, ўз халқининг хоҳиш-иродаси, дили ва тилидаги эзгу ниятларига ҳамоҳанг Конституцияга эга бўлган мамлакат ўзи белгилаган юксак марралардан ҳеч қачон оғишмасдан, доимо олдинга қараб боради.

Тарихга назар солсак, асрлар давомида шаклланган маънавий-ахлоқий кадриятлар ва инсоннинг табиий ҳуқуқлари цивилизация жараёнлари натижасида Конституция шаклига келганини кўрамыз.

Конституция башарият ҳаётида илк бор инсоннинг озод ва эркин яшаш, мулкка эга бўлиш, таълим олиш, меҳнат қилиш, сайлаш ва сайланиш каби ҳуқуқларини, сўз ҳамда эътиқод эркинликларини олий кадрият даражасига кўтарди.

Мустақиллигимизнинг илк даврида қабул қилинган Конституциямиз шахс, жамият ва давлат ўртасидаги муносабатларда ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳамда уларнинг кафолатларини аниқ-равшан белгилаб берди.

Бош қомусимиз, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, юртимиз фуқаролари тенглигининг кафолатланишини эътироф этди ва замонавий демократик тараққиёт учун замин яратди.

Айнан шу сабабли Конституциямизни эҳтиром билан улуғлашимиз, ҳар томонлама ўрганишимиз, унга изчил амал қилишимиз, Асосий қонунимизда мужассам бўлган аجدодларимизнинг буюк мероси ва умуминсоний кадриятларни ёшларимиз қалбига сингдиришимиз зарур.

Ҳурматли юртдошлар!

Соҳибқирон Амир Темур бобомиз “**Давлат қонунлар асосида қурилмас экан, ундай салтанатнинг шукуҳи, қудрати ва таркиби йўқолади**”, деб таъкидлаган эдилар. Шу нуқтаи назардан,

Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш биз бунёд этаётган демократик ҳуқуқий давлатнинг бош мезони ҳисобланади.

Ҳар қандай демократик ислоҳотлар самараси, тинчлик ва тараққиётнинг асосий гарови ҳам Конституция ва қонун устуворлиги таъминланиши билан бевосита боғлиқ.

Қонун устуворлиги – бу давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари чиқараётган ҳужжатлар, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари фақат ва фақат Конституция ҳамда қонунларга мувофиқ бўлиши шарт, деганидир.

Шу боисдан ҳам барча бўғиндаги кадрлар, у хоҳ вазир, ҳоким ёки оддий фуқаро бўлсин, Конституция ва қонунларни пухта билиши, уларнинг ижросини тўғри ташкил этиши ҳамда биринчи навбатда бу қоидаларга бутун жамият аъзолари қатъий амал қилиши шарт бўлган муҳит яратишимиз зарур.

“Конституция ва қонун устуворлиги – фаровон ҳаёт гарови” деган тушунча фуқароларимизнинг онги ва қалбида чуқур ўрин эгаллаши ҳамда ижтимоий эҳтиёжга айланиши учун қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратиш лозим, деб ҳисоблайман.

Биринчидан, қонунлар ижросини самарали ташкил этиш, тизимли муаммоларни олдиндан кўра билиш, қонун бузилишининг салбий оқибатларига қарши курашиш билан бирга бундай ҳолатни барвақт бартараф этишга қаратилган тизимни шакллантириш айниқса долзарбдир. Афсуски, ушбу талаблар бизда ҳали тўлиқ бажарилмоқда, деб айта олмаймиз.

Шу йилнинг ўзида 70 дан ортиқ қонун, 350 дан зиёд Президент фармони ва қарорлари қабул қилинди. Бу қонун ҳужжатлари ким учун ва нима мақсадда қабул қилинмоқда?

Албатта, халқимиз фаровонлиги учун.

Масалан, иқтисодиётимизни жадал ривожлантиришнинг муҳим шарти бўлган **“Давлат-хусусий шериклиги тўғрисида”**ги қонунни қабул қилганимизга 7 ой бўлди. Кўпдан буён кутилган, ҳаётнинг ўзи талаб этаётган бу қонун лойиҳаси устида биз узоқ вақт ишладик. Ушбу ҳужжат фуқароларнинг давлат ва жамият

вазифаларини бажаришга доир конституциявий ҳуқуқини амалга оширишнинг таъсирчан механизмидир.

Ҳозирги вақтда айрим тармоқларда давлат-хусусий шериклик бўйича лойиҳаларни амалга ошириш бошланди. Аммо соғлиқни сақлаш, таълим, транспорт, йўл қурилиши, коммунал хўжалиги каби йўналишларда, аксарият ҳудудларда ҳали бу борада ташаббус умуман сезилмаяпти.

Вазир ёки ҳоким қонуннинг мазмун-моҳиятини тушунмаса, англаб етмаса, уни ҳаётга татбиқ этишда жонбозлик кўрсатмаса, ислохотларимизнинг олдинга юриши, одамларда ташаббус уйғотиш қийин бўлади.

Ҳудудлардаги экин майдонларида рухсатномасиз, ўзбошимчалик билан қурилиш қилиш, бино-иншоотларни бетартиб бузиш каби нохуш ҳолатлар қонунлар ижросини назорат қилиш ишлари оқсаётганидан далолат беради. Шу боис Парламент, Ҳукумат ва Олий суд қабул қилинаётган қонунлар ижросини таъминлашнинг самарали механизмларини қўллаши зарур.

Бу борада кадрларни ўқитиш ва малакасини оширишга, ҳуқуқий ахборотни замонавий усуллар орқали кенг оммага етказишга, қонунларни билиш ва қўллаш бўйича мутасадди раҳбарлар фаолиятини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқишга биринчи даражали эътибор қаратиш лозим.

Иккинчидан, Конституция ва қонун устуворлигига эришишда жамоатчилик назоратидан кўра самарали восита йўқ.

Буюк юнон олими Афлотун шундай деган эди: **“Халқ қонунларга эҳтиёж сезиб, уларни пухта ўрганса, бу фақат унинг ўзига фойда келтиради. Акс ҳолда қонундан кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди”.**

Ҳақиқатан ҳам, халқимиз қонун бузилишига қарши қаттиқ турмас экан, давлат идоралари, мансабдор шахслар қанчалик уринмасин, қонун устуворлигини таъминлаш қийин бўлади.

Бугун жамоатчилигимиз том маънода уйғонди, энди турли лавозимдаги шахсларнинг хатти-ҳаракатларига одамларимиз бевосита баҳо бериб, ўз фикрини эркин ифода этишга ўрганмоқда.

Яқунланаётган йилда Давлат бюджети илк бор кенг муҳокама этилиб, очиқлик ва ошкоралик руҳида қабул қилинди. Унда турли вазирлик ва идоралар ҳар бир сўмни нимага ва қандай харажат қилиши аниқ кўрсатиб берилди.

Фуқароларимиз ва депутатларимиз билдирган фикрлар асосида мактабларга мебель ва компьютерлар харид қилиш учун бюджет харажатларини қисқартириш ҳисобидан 50 миллиард сўм кўшимча маблағ ажратилди. Бундай ижобий ҳолат бизнинг тажрибамизда биринчи марта юз бераётганини алоҳида қайд этиш лозим.

Ёки кўпчилигингиз хабардорсиз, кейинги пайтда жойларда дарахтларни оммавий равишда кесиш кучайиб кетган эди. Бу одамларнинг норозилигига сабаб бўлди. Шунинг учун яқинда дарахтларни сабабсиз кесишга қарши мораторий эълон қилинди. Бу ҳам жамоатчилик фикри қандай кучли таъсирга эга эканига мисол бўла олади.

Буларнинг бари одамларимизнинг ижтимоий жараёнларга нисбатан масъулият ва дахлдорлик ҳисси ошиб бораётганини кўрсатади.

Айни вақтда жамоатчилик назорати **“бир томонлама восита”**га айланиб қолмаслиги керак.

Давлат идоралари фақат фуқароларга эмас, балки ўзларига нисбатан танқидий фикрларни ҳам адолат билан, ҳолис кўриб чиқишлари лозим. Шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфасини ўзгартириш, қурилиш ва ободончиликка оид қарорлар, дастлаб ўша ҳудуддаги аҳоли ўртасида муҳокама қилиниб, жамоатчилик экспертизасидан ўтказилиши шарт.

Яна бир масалага диққатингизни жалб қилмоқчиман.

Конституцияга асосан судлар ўз фаолиятида мустақил, лекин уларнинг чинакам назоратчиси халқ бўлиши керак.

Судлар ва тергов идоралари бирон-бир иш юзасидан чиқарилган қарор бўйича фуқароларнинг жамоавий мурожаатларига тушунтириш ва ҳуқуқий изоҳлар бериши зарур.

Шуни аниқ тушуниб олиш лозимки, **жамоатчилик назорати – бу фақатгина давлат идоралари фаолияти устидан назорат**

эмас, балки жамиятнинг ўзини ўзи бошқариш усули, бошқача айтганда, фуқаролик жамиятини тараққий топтиришнинг муҳим омилларидан биридир.

Шунинг учун Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгаши, Фуқаролик жамиятини ривожлантириш маркази, Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси келгуси йилда ҳар бир соҳа ва тармоқ бўйича жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг таъсирчан тизимини яратишга бош-қош бўлиши ва ташаббус кўрсатиши лозим.

Жамоатчилик назорати, биринчи навбатда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари, молия, банк, таълим, соғлиқни сақлаш, коммунал хўжалик, энергетика ва транспорт соҳаларида жорий этилиши зарур. Шунингдек, бозорлар ва савдо мажмуаларидаги маҳсулотлар ва хизмат кўрсатиш сифати каби масалалар ҳам доимо жамоатчилик назоратида бўлиши даркор.

Учинчидан, оммавий ахборот воситалари қонунийликни қарор топтиришда чинакам “жамият кўзгуси”га айланиши керак.

Сўз эркинлигини таъминлашга қаратилган ислоҳотлар ўтган уч йилда жамиятимиз ҳаётида туб бурилиш ясади.

Бугунги кунда халқимиз орасида юриб, уни қийнаётган ижтимоий муаммоларни кўрсатиб бераётган энг катта куч – бу мустақил ва холис оммавий ахборот воситалари вакиллари дир.

Демократик ислоҳотларимиз натижасида оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар мансабдор шахсларни ўз ишини қонуний асосда тўғри ташкил этишга ундамоқда.

Шу сабабли ҳам давлат органлари фаолияти тўғрисидаги маълумотларни жамоатчиликка тўлиқ ва тезкор етказиш мақсадида уларнинг ҳар бирида матбуот хизмати иш бошлади.

Аслида, демократик жамиятда барча давлат хизматчилари оммавий ахборот воситалари билан яқин ижтимоий ҳамкорлик қилишга ўрганиши керак.

Маълумки, бугунги кунда анъанавий ахборот воситалари билан бирга Интернет, ижтимоий тармоқлар, блогерлар жамоатчилик фикрини шакллантиришда катта роль ўйнамоқда.

Давлат ва жамият бошқарувида, кундалик фаолиятимизда очиқлик ва ошқоралик тамойилларини кучайтириш мақсадида биз фуқароларнинг сўз эркинлиги, ахборот олиш ва тарқатишга оид конституциявий норманинг ижросини амалда тўлиқ таъминлашимиз зарур. Бунинг учун эса биринчи галда оммавий ахборот воситалари ҳақидаги қонунчиликни такомиллаштириш керак ва биз бу борада фаол иш олиб бормоқдамиз.

Шу муносабат билан жамоатчилик назорати ҳам, оммавий ахборот воситалари ҳам ягона бир мақсадга, яъни халқимизни рози қилиш ва унинг турмушини яхшилашга қаратилганини ҳаммамиз бирдек англашимизни истардим.

Ҳар бир давлат органи ижтимоий тармоқларда ўз саҳифасига эга бўлиши, амалга ошираётган ишлари ҳақида, керак бўлса, ҳар куни батафсил маълумот бериб бориши шарт.

Яна бир марта такрорлайман, Ўзбекистонда жамоатчилик назорати ва оммавий ахборот воситалари вакилларининг қонуний ҳақ-ҳуқуқларига ҳеч қандай шаклда тазйиқ ўтказишга йўл қўйилмайди.

Тўртинчидан, қабул қилинаётган қонунлар олиб бораётган ислоҳотларимиз билан уйғун бўлган тақдирдагина ишлайди.

Бу – аини ҳақиқат, аксиомадир. Лекин айрим қонунларимиз замон талабларига мос эмас. Шу боис қонунларни ижро этиш механизмларини аниқ тизим асосида яратиш – долзарб вазифамиздир.

Келгуси йилдан бошлаб Адлия вазирлиги қонунчиликни янгилаш ва тизимлаштириш бўйича мутлақо янги иш услубига ўтиши зарур. Бунда Конституциямиз нормалари ҳуқуқий пойдевор бўлиб хизмат қилиши лозим.

Бешинчидан, биз қанчалик мукамал қонунлар яратмайлик, қандай ислоҳотлар ўтказмайлик, агар фуқароларимизнинг ҳуқуқий билими, онги ва маданияти етарли бўлмаса, кутилган натижаларга эришиш мушкул бўлади.

Ҳуқуқшунос олимларнинг бундан бир неча аср аввал **“Ҳуқуқни англаш масъулият ҳиссини ривожлантиради”**, деб айтган

ҳикматли сўзлари ҳеч қачон ўз долзарблигини йўқотмайди. Бошқача айтганда, Конституция ва қонунларга ҳурмат, ҳуқуқий онг ва маданият ҳар бир фуқаронинг, ҳар бир мансабдор шахснинг ҳаёт ва фаолият тарзига айланмоғи керак. Лекин ана шундай ҳуқуқий масъулиятни бугун ҳаммада ҳам шакллантира олаёلمизми?

Афсуски, бу саволга ҳозирча ижобий жавоб беролмаймиз. Мисол учун, деҳқонларимизнинг фидокорона меҳнати билан яратилган нонни халқимиз улуғ ва азиз неъмат сифатида ғоятда қадрлайди. Ноннинг қадрини айниқса ризқ-рўзимиз бунёдкори бўлган деҳқон ва фермерларимиз жуда яхши биладилар.

Бугун ушбу муҳташам саройда уларнинг энг муносиб вакиллари кўриб турганимдан жуда хурсандман.

Бу йил Қишлоқ хўжалиги ходимлари куни Конституция байрами билан бир кунда нишонланаётгани бу айёмга ўзгача файз бағишламоқда.

Фурсаддан фойдаланиб, юртимиздаги барча деҳқон ва фермерларни чин қалбимдан самимий муборакбод этиб, уларга юксак ҳурмат ва эҳтиром билдиришга рухсат этгайсиз. Биз учун нон қанчалик азиз ва қадрли бўлса, заҳматкаш деҳқонларимиз, уларнинг меҳнати ҳам шунчалик азиз ва қадрлидир.

Ҳақиқатан ҳам, уруш ва очарчиликни бошидан кечирган бобо ва момоларимиз бизга болаликдан бошлаб нонни кўзимизга суртиб эъзозлашни ўргатганлар. Бу бизнинг буюк қадриятимизга айланган. Шу маънода, Яратганнинг бебаҳо неъматларини, ҳаётдаги ижобий ўзгаришларни қадрлаш туйғусини фарзандларимиз қалбига ёшлигидан сингдириб боришимиз зарур.

Яширишнинг ҳожати йўқ, олий ўқув юртига ўқишга кириш, тадбиркорликни бошлаш учун рухсатнома ёки лицензия олиш, солиқ тўлаш каби кўп-кўп кундалик ҳаётий масалаларни ҳал этишда “қонунни четлаб ўтиш” бизнинг шароитимизда ёмон бир одатга айланган эди.

Бундай иллатнинг илдизларини қирқишга қаратилган ишларни, қандай қийин бўлмасин, аста-секин амалга оширмоқдамиз. Жумладан, болаларни боғчага жойлаштиришга электрон навбат,

мактаблар ва олий таълимга ўқишга қабул қилишда очиқ ва ошкора тартиблар яратилди. Шунингдек, “ягона дарча” тамойили асосида 100 дан ортиқ давлат хизматлари кўрсатилмоқда.

Аmmo бу ўзгаришлар туфайли жамиятимиз салбий иллатлардан, қонунга беписандлик ҳолатларидан батамом қутулди, деб айтишга ҳали эрта.

Очиқ тан олиш керак, аксарият одамларимиз бу масалада лоқайд ва бепарво бўлиб қолмоқда. Бугун олиб бораётган ислохотларимиз йўлидаги энг катта тўсиқ ҳам аслида шу эмасми?

Айрим фуқароларимиз бошқарув идораларидан масъулият талаб қилишни яхши билади-ю, лекин ўзининг жамият олдидаги, қонун олдидаги масъулияти ва мажбуриятини унутиб қўяди. Ҳолбуки, Ўзбекистонни янгилаш, миллий юксалишни янги босқичга кўтариш бу – ўз-ўзидан, осонликча бўлаётгани йўқ.

Ҳаммангиз кўриб турибсиз, қанчалик оғир ва мураккаб бўлмасин, бугунги кунда зарур куч ва имконият, маблағ топиб, қанча-қанча катта дастур ва лойиҳаларни амалга оширмоқдамиз. Янги-янги корхоналар, йўл ва кўприklar, боғча, мактаб ва шифохоналар, маданият ва спорт иншоотлари, кўплаб уй-жойлар қурапмиз ва Худо хоҳласа, бундай ишларимизни янада кўпайтирамиз.

Халқимизда **“Қарс икки қўлдан чиқади”**, деган мақол бор. Агар ўйлаб қарасак, бу мақол Конституциямиз нормаларига ҳам тўла мос келади. Яъни Асосий қонунимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари билан бирга, уларнинг бурч ва мажбуриятлари ҳам аниқ белгилаб қўйилган.

Кўпни кўрган мухтарам кексаларимиз, фаол фуқароларимиз, азиз опа-сингилларимиз, зиёлилар, навқирон ёшларимиз бугунги ислохотларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, уларда фидойилик билан иштирок этаётгани шахсан менга катта куч-қувват бағишлайди. Имкониятдан фойдаланиб, барчангизга, бутун халқимизга бунинг учун чин юракдан алоҳида миннатдорлик билдираман.

Ишончим комил, биз мана шундай тинч ва осойишта ҳаётимизни қадрлаб, ўзаро ҳурмат ва ахиллигимизни асраб-авайлаб, шукрона қилиб яшасак, Яратганимиз ўз неъматини халқимизга янада зиёда қилиб беради.

Азиз дўстлар!

Биз жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш борасидаги ишларимизни узлуксиз давом эттиришимиз зарур.

Ҳуқуқий тарбияни мактабгача таълим тизимидан бошлашимиз, бу борадаги илк кўникмалар она алласи каби фарзандларимиз қалбидан умрбод жой олиши даркор.

Конституциямиз ҳар бир фуқаронинг онги ва қалбидан чуқур жой олган, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини тўлиқ қафолатлайдиган ҳақиқий ҳаёт қомусига айланмоғи лозим.

Ҳар бир соҳа ва йўналиш, таълимнинг барча босқичлари учун ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг илмий асосланган дастури тайёрланиши керак. Бунда, авваламбор, Конституцияни ўрганишга жиддий ёндашиш лозим. Умумтаълим мактаблари учун “Конституция алифбоси”, “Конституция сабоқлари”, “Конституция асослари” каби дарсликларни яратиш зарур, деб ҳисоблайман.

Адлия, Мактабгача таълим, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари бу ишларга масъул бўлади.

Ушбу фанлардан дарс берадиган ўқитувчиларни тайёрлашда уларнинг сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий савиясига алоҳида аҳамият бериш лозим. Шунингдек, ҳаётдаги адолат тантанаси, қонуний ҳақ-ҳуқуқлар тиклангани ҳақида қизиқарли кўрсатувлар, сериаллар, бадиий фильмлар, театр асарлари яратиш ҳам катта тарбиявий аҳамиятга эга.

Умуман олганда, қонун ва адолат тантанаси учун курашадиган инсонлар бугунги куннинг қаҳрамонлари бўлиши керак. Айнан шундай одамларнинг ҳаёти шоир ва адиблар, режиссёрлар, журналистлар учун ижодий мавзу бўлади, деб ўйлайман.

Қадрли ватандошлар!

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларига амал қилинишини таъминлаш, ҳар бир шахснинг қадр-қимматини эъзозлаш биз барпо этаётган

очик, эркин ва адолатли жамиятнинг ажралмас хусусиятидир. Бундай принцип Асосий қонунимизда қатъий белгиланган.

Конституцияда халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи сифатида муҳраб қўйилган ва бунда чуқур маъно бор. Бу қоидалар мамлакатимизда демократия умуминсоний тамойилларга асосланиши, давлат ўз фаолиятини фақат инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб амалга оширишини англатади. Буни биргина шу йилнинг ўтган даврида Халқ қабулхоналарига келиб тушган 880 мингдан ортиқ мурожаатнинг 510 мингдан зиёди ижобий ҳал этилгани ҳам тасдиқлайди.

Шу муносабат билан ҳамма раҳбарларга яна бир бор эслатиб ўтмоқчиман. **Бизга умид ва ишонч билдирган, бизни раҳбар этиб сайлаган, эл-юртимизни, ҳар бир фуқарони рози қилиш асосий бурчимиз эканини ҳеч қачон унутмайлик. Халқ биздан рози бўлса – Яратган ҳам биздан рози бўлади.**

Конституциямизда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият сифатида мужассам этилгани бежиз эмас. Ана шу принципни амалга ошириш учун бизда қатъий сиёсий ирода ва етарли имкониятлар мавжуд. Бунинг учун биз, аввало, қуйидаги муҳим вазифаларни ҳал этишимиз зарур.

Биринчидан, инсон ҳуқуқларини таъминлаш самарадорлигини янада ошириш учун миллий стратегиямиз бўлиши лозим.

Кейинги йилларда мамлакатимизда бу борада кенг қўламли ишлар амалга оширилаётгани сизларга яхши маълум.

Бу йилнинг ўзида **“Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”**ги, **“Жабрланувчи, гувоҳларни ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида”**ги қонунлар қабул қилинди. Шунингдек, Халқаро меҳнат ташкилотининг **“Мажбурий меҳнат тўғрисида”**ги, **“Саноат ва савдода меҳнат инспекцияси тўғрисида”**ги конвенциялари ратификация қилинди. Бу бизнинг мажбурий меҳнатга қарши курашиш борасидаги қатъий ва ўзгармас позициямизни ифода этади.

Сўнгги йилларда жиноят содир этган шахсларни афв этиш бўйича 8 та фармон қабул қилиниб, 4 мингдан зиёд шахс жазони ўташ жойларидан озод қилинди. Ана шу ишларимизнинг мантиқий давоми сифатида куни кеча навбатдаги фармонга имзо чекдим. Унга биноан жинойи қилмишига чин дилдан пушаймон бўлиб, тузалиш йўлига қатъий ўтган 92 нафар маҳкум афв этилиб, улар эркин ҳаётга қайтарилади.

Бу йил Жаслик кўрғонидаги жазони ижро этиш колониясини ёпганимиз ҳам ана шундай инсонпарвар сиёсатнинг амалий намунаси бўлди.

Озодликдан маҳрум этилган шахсларга пенсия ва ижтимоий суғурта тўлаш тартиби биринчи марта амалиётга киритилди. Натижада манзил-колонияларда жазони ўтаётган пенсия ёшидаги 709 нафар маҳкумга пенсия пуллари тўлаб берилмоқда.

Биз аввал йўл қўйган хатомизни тузатиб, ушбу тоифадаги фуқароларнинг Конституциямизда белгиланган пенсия олиш ҳуқуқини таъминлаш йўлида дастлабки қадамни қўйдик.

Жорий йилда “Меҳр-1” ва “Меҳр-2” инсонпарварлик тадбирлари муваффақиятли амалга оширилди. Ана шу тадбирлар доирасида Яқин Шарқдаги қуролли можаролар майдонидан, Афғонистондан 261 нафар фуқаро, асосан аёллар ва болалар юртимизга қайтариб олиб келинди. Уларга зарур тиббий ва моддий ёрдам кўрсатилди.

Инсон ҳуқуқларини таъминлаш ҳақида гапирганда, ўтган уч йилда 9 минг 692 нафар, жумладан, ушбу йилда 5 минг 868 нафар юртдошимиз Ўзбекистон фуқаролигига қабул қилинганини таъкидлашни истар эдим. Лекин бу соҳада ҳали қиладиган ишларимиз кўп.

Аввало, юқорида зикр этилган Миллий стратегияни ишлаб чиқиб, шу асосда мазкур йўналишдаги сиёсатимизни изчил амалга оширишимиз керак. Ушбу стратегияда инсон ҳуқуқ ва эркинликларига оид конституциявий тамойилларни рўёбга чиқариш механизмлари аниқ-равшан белгиланиши лозим.

Жамиятда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш маданиятини шакллантириш, шу орқали мамлакатимизнинг халқаро нуфузини янада юксалтиришимиз зарур.

Миллий стратегия доирасида инсон ҳуқуқларини ўқитишнинг узлуксиз тизимини яратиш, умумтаълим мактаблари, олий ўқув юртлари, кадрларни қайта тайёрлаш марказларида “**Инсон ҳуқуқлари**”, “**Бола ҳуқуқлари**”, “**Аёллар ҳуқуқлари**” номли махсус ўқув курсларини жорий этишнинг вақти-соати келди, деб ўйлайман.

Иккинчидан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни фақат ва фақат халқ манфаати йўлида оғишмай хизмат қиладиган идораларга айлантиришимиз лозим.

Ўтган уч йилда жабрланувчилар, гувоҳлар ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тизими яратилди. Нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари фаолиятига рухсат берилди. Соҳани ривожлантириш бўйича устувор йўналишлар ва зарур чора-тадбирлар тасдиқланди.

Хабарингиз бор, ўтган йилларда тинтув жараёнини, олинган кўрсатмаларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш, тергов эксперименти каби процессуал ҳаракатларни видео тасвир орқали қайд этиш шартлиги қонуний асосда белгиланган эди.

Бироқ аҳоли билан мулоқотлар ҳуқуқ бузилиши хавфи бўлган бошқа ҳолатлар бўйича ҳам шундай чораларни қўллаш зарурлигини кўрсатмоқда. Хусусан, шахсни ушлаб туриш, унга процессуал ҳуқуқларини тушунтириш каби жараёнларни, агар у ҳимоячидан воз кечса, бу ҳолатни ҳам мажбурий тарзда видео тасвирга тушириш тартибини ўрнатиш зарур.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари томонидан ушланган шахс махсус бинога олиб келинганидан кейин бу ҳақда унинг оила аъзолари дарҳол хабардор қилиниши керак. Буни суриштирувчи, терговчи ва бошқа ваколатли шахснинг мажбурияти сифатида қонунда аниқ белгилаб қўйишни таклиф этаман.

Бундан ташқари, шахсни ушлаб туриш ва унинг ҳуқуқини чеклайдиган бошқа процессуал мажбурлов чораларини қўллаш

ҳолатларини ҳисобга олишнинг электрон тизимига ўтиш зарур. Бу жараёнда инсон омили иштирокини иложи борича камайтириш лозим.

Келгуси йилдан бошлаб прокурор қарори устидан судга мурожаат қилиш тартиби жорий этилади. Шу орқали суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида мувозанатни, яъни ўзаро тийиб туриш тамойилларини таъминлаш имкони яратилади. Бундай муҳим ўзгариш ҳам бизнинг тажрибамизда биринчи марта жорий этилмоқда.

Сир эмас, илгари прокуратура идоралари ниҳоятда ёпиқ, назоратдан холи бир органга, таъбир жоиз бўлса, охириги инстанцияга айланиб қолган эди. Бунинг оқибатида қанча-қанча одамлар ноҳақ жабр чеккани, адолатсизликка дучор бўлгани ҳам айни ҳақиқат. Қанчалик оғир ва нохуш бўлмасин, биз шу ҳақиқатни тан олиб, бу соҳада қонунийлик ва адолатни қарор топтиришга киришдик.

Ишонаманки, прокурор қарори устидан судга мурожаат қилиш бўйича ривожланган демократик мамлакатларда амал қиладиган бундай тажрибани жорий этиш ҳаётимизда адолат мезонини мустаҳкамлашда улкан қадам бўлади.

Судларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш биз учун энг устувор вазифадир. Айниқса, суд бирон-бир мансабдор шахснинг қўли етадиган идорага айланиб қолишига мутлақо йўл қўймаслик шарт. Шу сабабли суд ишларига аралашгани ёки судга босим ўтказгани учун жавобгарликни кучайтириш лозим.

Кейинги пайтда Халқ қабулхоналарига келиб тушаётган мурожаатларнинг аксарияти суд, прокуратура, ички ишлар идоралари фаолиятидаги камчиликларга тааллуқли. Шунининг оқибатида олиб, ушбу идоралар халқимиз билан ишлашнинг мутлақо янги тизимини яратиши зарур. Ҳар бир ариза ва шикоятнинг қонуний ечими ана шу идоралар раҳбарлари фаолиятига берилган баҳо бўлади.

Бундай янги ўзгаришларни аввало, халқимиз, жумладан, юртимизда қонун устувор эканига ишониб сармоя киритаётган чет эллик ҳамкорларимиз ҳар томонлама ҳис қилишларини истардим.

Учинчидан, адвокатура институтини такомиллаштириш орқали инсон ҳуқуқларини таъминлашни янги босқичга кўтариш зарур.

Бу тизимнинг ҳуқуқий мақомини кучайтириш, адвокатлар ваколатларини кенгайтириш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди. Лекин ҳали ўз ечимини топмаган муаммолар ҳам бор. Мисол учун, 33 миллиондан ортиқ Ўзбекистон аҳолисига фақатгина 4 мингта адвокат хизмат кўрсатаётганини ижобий баҳолаб бўлмайди.

Ҳозирги кунда мамлакатимиздаги адвокатларнинг 60 фоизи 50 ёшдан ошган шахслардир. Улар орасида 30 ёшга тўлмаган ёшлар 70 нафарга ҳам етмаслигини қандай изоҳлаш мумкин?!

Бундай ачинарли ҳолатга барҳам бериш учун аввало адвокатлар нуфузи ва мақомини ошириш, адвокатура институтининг мустақиллигини таъминлашимиз шарт.

Яқин истиқболда Адвокатура институтини ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш лозим. Ҳеч бир идора адвокатларнинг фаолиятига тўсқинлик қилмаслиги шарт.

Айни вақтда адвокатларга нисбатан қўйиладиган малака талаблари ҳам ушбу концепцияда тўлиқ акс этиши зарур. Бу борада биз ривожланган давлатларнинг илғор тажрибасини ҳар томонлама ўрганишимиз керак.

Тўртинчидан, виждон эркинлиги, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик, мамлакатимизда ва хорижда фуқароларимизни кафолатли ҳимоя қилиш бундан буён ҳам давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолади.

Шу мақсадда фуқароларимизнинг муқаддас зиёратларни адо этиш билан боғлиқ имкониятлари сезиларли даражада кенгайтирилди. Жумладан, умра зиёратига борувчилар сони 10 мингдан 30 мингга, ҳаж зиёратига борувчилар эса 5 мингдан

7 минг 200 нафаргача оширилди, сафар билан боғлиқ харажатлар эса камайтирилди.

Умуман, сўнгги йилларда мамлакатимизда виждон эркинлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган катта ишлар сизларга яхши маълум, деб ўйлайман.

Бугунги кунда маҳаллий ва хорижий нуфузли экспертлар иштирокида биз **“Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”**ги қонуннинг янги таҳрири устида иш олиб бормоқдамиз. Ушбу қонун фуқароларимизнинг виждон ва эътиқод эркинлиги борасидаги конституциявий ҳуқуқларини тўла таъминлашга хизмат қилади.

Мухтарам мажлис иштирокчилари!

Хорижда вақтинчалик меҳнат қилаётган фуқароларимиз ва уларнинг оила аъзоларини ҳимоя қилиш бўйича ҳам тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Ташқи меҳнат миграцияси масалалари бўйича республика комиссияси тузилди. Ҳукумат таркибида Хорижда вақтинчалик меҳнат қилаётган Ўзбекистон фуқаролари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш масалалари департаменти ташкил этилди.

Бироқ чет элга ишлаш учун фуқароларни жўнатиш билан шуғулланаётган баъзи бир хусусий фирмалар одамларни алдаётгани ҳақидаги материаллар матбуот саҳифаларида эълон қилинмоқда. Департамент ушбу фирмалар фаолиятини қатъий назоратга олиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси, мамлакат ичкарасида ёки ташқарисида бўлишидан қатъи назар, ўз фуқароларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш, уларга ҳомийлик кўрсатишни бундан буён ҳам кафолатлайди ва барча чораларни кўради.

Бунинг учун, жумладан, хориждаги дипломатик ваколатхоналаримиз томонидан кўрсатилаётган консуллик хизматларини электрон шаклга ўтказиш лозим. Токи чет элдаги фуқароларимиз бошқа шаҳардан консуллик бўлимларига бевосита ўзи келиб, овора бўлиб юрмасин.

Ташқи ишлар ва Адлия вазирликлари келгуси йилда ушбу тизимни тўлиқ ишга туширишга масъул этиб белгиланади.

Бешинчидан, хотин-қизлар ва эркаклар ўртасида ҳуқуқий тенгликни мустаҳкамлашга мамлакатимизда жиддий эътибор берилмоқда.

Хотин-қизлар кўмитаси ва унинг ҳудудий бўлимлари бутунлай янгитдан ташкил этилгани, уларга кўшимча ваколат ва имкониятлар берилиб, тўлақонли фаолият юритиши учун зарур шароитлар яратилгани бу йўлда янги қадам бўлди.

Жорий йилда Конституциямизнинг 46-моддасига асосан **“Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”**ги ҳамда **“Хотин-қизларни тазйик ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”**ги қонунлар қабул қилинди. Мазкур қонунларни изчил амалга оширишда парламент ва жамоатчилик назорати ниҳоятда зарур, деб ўйлайман.

Келгусида ҳам оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, хотин-қизларнинг ижтимоий муаммоларини ҳал этиш давлатимизнинг диққат марказида бўлади.

Кейинги пайтда кўплаб аёлларимиз давлат ва жамият бошқаруви, иқтисодиёт, молия-банк, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, маданият ва бошқа соҳаларда масъул раҳбарлик лавозимларига кўтарилмоқда.

Ўзингиз айтинг, жойларда одамларнинг дарду ташвишларини, оила ва маҳалладаги аҳволни ким ҳаммадан кўра кўпроқ билади, ким ҳаммадан яхшироқ ҳис қилади? Албатта, ҳурматли ва меҳрибон аёлларимиз эмасми?

Ҳеч шубҳасиз, ижтимоий муаммоларни аниқлаш ва уларни ўз вақтида ҳал этишда, бошқарув самарасини оширишда опсингилларимизнинг ўрни ва таъсири жуда катта. Шунинг учун биз хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш, уларга турли масъул вазифаларни ишониб топширишга қаратилган сиёсатни янада фаол давом эттирамиз.

Олтинчидан, фуқароларнинг Конституцияда белгиланган мулк ҳуқуқи дахлсиздир ва доим давлат ҳимоясида бўлади.

Биз ўтган йиллар давомида тадбиркорлик йўлидаги ортиқча чекловларни бартараф қилиш, уларнинг фаолиятига давлат идораларининг ноқонуний аралашувини қатъий чеклаш борасида салмоқли ишларни амалга оширдик. Жумладан, коррупцияга йўл очиб бераётган ер ажратиш амалиёти тубдан ислоҳ қилинди. Бу жараён эндиликда ер ажратиш электрон тизими орқали амалга оширилмоқда.

Келгуси йил 1 январдан бошлаб ҳокимларнинг қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни олиб қўйиш бўйича ваколати халқ депутатлари Кенгашларига берилади. Бу ўзгариш ҳам мулк дахлсизлигини таъминлаш йўлидаги жиддий қадамлардан биридир.

Бундан ташқари, ерни олиб қўйиш ва компенсация тўлашнинг янги тартиби, ер фақат мулк эгасининг розилиги билан олинишига оид қоидалар жорий қилинди. Шу билан бирга, мулк дахлсизлиги тўғрисидаги қонунларга амал қилмаган мансабдор шахсларга нисбатан, улар қандай лавозим эгаси бўлишидан қатъи назар, жавобгарлик кучайтирилди.

Шунингдек, компенсация миқдори тўғрисида тарафларда келишмовчилик вужудга келса, энди бундай ҳолатлар фақат суд йўли билан ҳал этилади.

Маълумки, шу пайтга қадар ҳокимлар ердан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган қарорларни ўзлари қабул қилар, вақти келганда эса, уларни ўзлари бекор қилиши ҳам мумкин эди. Энди ана шу ваколатни чеклашнинг фурсати етди. Чунки бундай ваколат фақат ҳокимга берилиши турли адолатсизликларга сабаб бўлишини кўп мисоллар кўрсатмоқда. Бундай масалалар энди фақат суд тартибида ҳал қилинади.

Бизнес-омбудсман томонидан тадбиркорлик субъектларининг мулкӣ ҳуқуқларини ноқонуний чеклаш билан боғлиқ ҳолатлар аниқланган тақдирда, унга тадбиркор манфаатларини кўзлаб судга мурожаат қилиш ҳуқуқини бериш лозим.

Соҳада очиқлик ва ошкораликни таъминлаш учун ҳокимларнинг фуқароларга ер бериш ҳақидаги қарорларини тегишли сайтларда эълон қилиб бориш амалиётини йўлга қўйиш керак.

Биз жисмоний ва юридик шахсларнинг мулк ҳуқуқи кафолатларини таъминлаш мақсадида халқаро андозаларга жавоб берадиган ислоҳотларимизни бундан буён ҳам қатъий давом эттирамиз.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш учун биз ҳаётимизнинг барча жабҳаларида конституциявий назоратни кучайтиришимиз зарур. Бу эса пировард натижада инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, унинг шаъни, кадр-қиммати, мол-мулкининг дахлсизлигини сақлаш, фуқароларнинг меҳнат қилиш, таълим олиш, тиббий ёрдамдан фойдаланиш каби энг асосий ҳуқуқларини тўла таъминлаш имконини беради.

Қадрли юртдошлар!

Маълумки, шу йил 22 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва халқ депутатлари Кенгашларига сайловлар бўлиб ўтади.

“Янги Ўзбекистон – янги сайловлар” шиори остида ўтаётган бу кампания мамлакатимиз сиёсий ҳаётидаги ғоят муҳим воқеадир.

Конституциямизга мувофиқ, фуқаролар давлат ва жамият ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эга. Сайловда ўзига маъқул бўлган номзод ёки бирон-бир партия илгари сураётган дастур учун овоз бериш, уларни қўллаб-қувватлаш вакиллик демократиясининг яққол кўринишидир.

Ўтган қисқа даврда сайловга оид 21 та қонун тизимлаштирилиб, Ўзбекистон тарихида илк бор ягона **Сайлов кодекси** қабул қилинди. Бу миллий қонунчилигимизни мустаҳкамлаш, демократик сайловларни ўтказишни янада такомиллаштириш йўлидаги муҳим қадам бўлди.

Мазкур кодексдаги энг катта янгилик сиёсий майдоннинг тўлиқ сиёсий партияларга берилиши билан боғлиқ, десак, адашмаган бўламиз. Унга мувофиқ, сиёсий партиялар Қонунчилик палатасига бўлиб ўтадиган сайловда илгаридек 135 та эмас, балки тўлиқ – 150 та сайлов округидан ўз номзодларини кўрсатади.

Ўзбекистон Экологик ҳаракати учун белгиланган квотанинг бекор қилингани ҳам сиёсий майдонда соғлом рақобатни шакллантиришга хизмат қилади.

Сайлов кодексига мувофиқ сиёсий партия ваколатли вакилининг ҳуқуқлари ҳам кенгайтирилди. Энди вакил сайлов комиссияси мажлисларида, ҳужжатларни топширишда, имзо варақалари қандай тўлдирилганини текширишда қатнашади. Шунингдек, у сайлов участкасида овозларни санаб чиқишда иштирок этиш ҳуқуқига ҳам эга.

Буларнинг барчаси сайлов жараёнида очиқлик ва ошкораликни, жамоатчилик назоратини оширишга хизмат қилади.

Бу йилги сайловларда фуқароларимиз эркин овоз беришлари учун жойларда 6 минг 720 та округ ва 10 минг 253 та сайлов участкаси ташкил этилди.

Фуқароларнинг сайлаш ва сайланишга оид ҳуқуқлари янада кенгайтирилди ва амалда бўлган кўплаб чекловлар бекор қилинди.

Конституциямизда белгиланган фуқароларнинг сайловда иштирок этиш ҳуқуқини таъминлаш мақсадида бу йил янги бир кадам кўйдик. Энди оғир ва ўта оғир бўлмаган жиноятларни содир этган шахслар ҳам сайловда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлди. Шу асосда бўлажак сайловларда озодликдан маҳрум этилган 1 минг 905 нафар шахс ҳам иштирок этиши учун қонуний имконият яратилди.

Ҳеч шубҳасиз, янги Сайлов кодекси ва ундаги 30 дан ортиқ янги демократик қоидалар сайлов қонунчилигимизни янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

Бу йил мамлакатимизда 5 та сиёсий партия сайловда иштирок этмоқда. Халқимиз ҳаётий муаммолар ва уларнинг ечимини яхши биладиган, ислоҳотлар самарасига хизмат қиладиган қонун ва қарорлар қабул қилишда жонбозлик кўрсатадиган, катта билим ва малакага эга инсонлар депутат бўлишини хоҳлайди. Шунинг учун кўппартиявийлик асосида сайланадиган янги парламентимиз, биринчи навбатда, халқимиз ва Ватанимиз манфаатларини ҳимоя қилишга қодир бўлган депутатлардан иборат бўлиши лозим.

Сайлов жараёнида ўнлаб халқаро ташкилотлар, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг тўлақонли миссияси кузатувчилари ҳамда 40 дан ортиқ хорижий давлатдан 600 дан зиёд кузатувчи қатнашиши кутилмоқда.

Ушбу сайловлар орқали халқимиз бугунги ислохотларимизга баҳо берса, жаҳон ҳамжамияти янгиланаётган Ўзбекистонга баҳо беради.

Ўйлайманки, ҳар бир юртдошимиз ўзининг конституциявий ва фуқаролик бурчини, Ватанимиз тақдири ва келажаги олдидаги масъулиятини англаб, юртимиз равнақи, халқимиз тинчлиги ва фаровон ҳаёти учун, фарзандларимизнинг бахти ва камоли учун овоз беради.

Азиз ва мухтарам ватандошларим!

Барчамизга яхши маълумки, ҳозирги кунда дунё шиддат билан ўзгармоқда. Инсониятнинг тақдири ва келажагига таҳдид солаётган хавф-хатарлар тобора кучайиб бормоқда.

Жаҳон миқёсида шафқатсиз рақобат, турли зиддият ва қарама-қаршиликлар, савдо урушлари ғоят кескин тус олмоқда.

Мана шундай мураккаб шароитда биз фақат халқимизнинг ақл-заковати, букилмас иродаси ва салоҳиятига, ўз куч ва имкониятларимизга таяниб, айна вақтда дунё ҳамжамияти билан ҳамкор бўлиб, дадил олдинга боришимиз шарт. Бу борада бизга Конституциямиз ҳамиша раҳнамо бўлиб, беқиёс куч-қудрат манбаи бўлиб хизмат қилади.

Биз бугун ўз олдимизга катта-катта мақсадлар қўйиб, мар-рани баланд олдик.

Ўзбекистонда демократик ислохотлар муқаррар тус олди ва ҳеч ким, ҳеч қандай куч бизни ўз танлаган йўлимиздан қайтара олмайди.

Бу – бугунги ҳаёт, бугунги замон талаби.

Бу – кўп миллатли, бағрикенг, меҳнаткаш ва олийжаноб халқимизнинг хоҳиш-истаги.

Ва биз халқимизнинг туб манфаатлари, унинг эзгу орзу-интилишларини ифода этадиган ана шундай сиёсатни жадал давом эттирамиз. Нафақат давом эттирамиз, балки уни янги, янада юксак босқичга кўтарамиз.

Эл-юртимиз, жаҳон ҳамжамияти бизга катта ишонч билан қарамоқда. Ана шу юксак ишончга ҳар томонлама муносиб бўлиб, қатъият билан олға интилиб, кўзлаган улуг мақсадларимизга биргаликда албатта етамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги маросимда иштирок этаётган, эзгу ташаббус ва ислоҳотларимизни қўллаб-қувватлаб келаётган муҳтарам элчиларга, халқаро ташкилотлар вакилларига ўз номидан, халқимиз номидан чексиз миннатдорчилик билдиришга рухсат бергайсиз.

Сизларни, бутун халқимизни қутлуғ айём – Конституция куни билан яна бир бор чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Барчангизга мустаҳкам соғлик, оилавий бахт-саодат, хонадонларингизга тинчлик-хотиржамлик ва файзу барака тилайман.

Эътиборингиз учун раҳмат.



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Тошкент шаҳри, 2020 йил 7 декабрь

Ҳавола: <https://president.uz/uz/lists/view/3990>

Муҳтарам ватандошлар!

Сизларни улуғ айём – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 28 йиллик байрами билан чин қалбимдан самимий муборакбод этиб, барчангизга ўзимнинг юксак ҳурмат-эҳтиромим ва эзгу тилакларимни билдираман.

Қадрли дўстлар!

Дунё миқёсида авж олган коронавирус пандемияси туфайли бу йил Конституция кунига бағишланган тантанали маросимларни кенг миқёсда ўтказишнинг, афсуски, имкони бўлмапти. Лекин, шунга қарамасдан, бу байрамнинг руҳи ва шуқуҳи қалбларимизда, юракларимизда давом этмоқда. Бу айём юртимизнинг меҳнат жамоалари, таълим масканлари, маҳаллаларда шоду хуррамлик билан нишонланмоқда.

Конституциямизнинг қоида ва тамойилларидан келиб чиқиб, биз бундан тўрт йил олдин Ҳаракатлар стратегиясини қабул қилдик ҳамда кенг кўламли ва шиддатли демократик ислохотларни бошладик. Уларнинг ҳуқуқий асосини Конституциямизга 7 марта киритилган

Ўзгартиришлар, қабул қилинган 5 та кодекс ва 250 га яқин қонунлар ташкил этмоқда.

Ўтган қисқа даврда жамиятимизнинг сиёсий-ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий қиёфаси, одамларимизнинг дунёқараши бутунлай ўзгаргани, ҳар бир юртдошимиз мамлакатимизнинг тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётгани Бош қомусимизнинг ҳаётбахш қудрати ва улкан салоҳиятидан далолат беради.

Ана шу улкан салоҳиятга таяниб, халқимиз бугунги кунда мураккаб синовларни мардона енгиб, юртимизда эркин, обод ва фаровон ҳаёт – янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида фидокорона меҳнат қилмоқда.

“Янги Ўзбекистон” деган ибора халқаро майдонда нафақат янги тушунча, балки реал ижтимоий ҳодиса сифатида қабул қилинмоқда.

Конституциямиз яратиб берган улкан ҳуқуқий имкониятларнинг самараси бўлган бундай ютуқ ва натижалар барчамизга албатта юксак ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Ҳурматли юртдошлар!

“Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир” деган конституциявий норма асосида мамлакатимизда халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қиладиган, Конституция ва қонун устун бўлган самарали ва барқарор тизим шаклланимоқда.

Ана шундай конституциявий пойдеворга асосланган ушбу тизим дунё шиддат билан ўзгариб бораётган ҳозирги мураккаб вазиятда турли таҳдид ва синовлар, жумладан, глобал пандемияга қарши курашда, Бухоро ва Сирдарё вилоятларида юз берган табиий ва техноген офатларнинг оқибатларини бартараф этишда ўзини тўла оқлади.

Конституциямиз моҳиятига чуқур сингдирилган демократия ва ижтимоий адолатга садоқат ҳамда инсонпарварлик тамойилларини таъминлаш бўйича мамлакатимизда тизимли ва ортга қайтмайдиган демократик ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Аввало, Асосий қонунимизда кафолатланган малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ва кучли ижтимоий ҳимояни таъминлаш бўйича ҳар бир инсоннинг ҳуқуқларини қўллаб-қувватлаш ва амалга оширишда барча имкониятлар ишга солинмоқда.

Пандемия даврида аҳоли соғлиғини сақлаш, ишсиз қолган фуқароларга ёрдам беришга, тадбиркорларга биринчи даражали эътибор қаратилмоқда. Жумладан, 10 триллион сўм фондга эга бўлган Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ташкил этилиб, унинг маблағлари соғлиқни сақлаш, ижтимоий инфратузилмалар, аҳоли ва корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлашга йўналтирилди.

Йил давомида 500 мингдан ортиқ тадбиркор ва 8 миллиондан зиёд фуқаро учун 34 триллион сўмга яқин имтиёзлар берилди, ижтимоий нафақалар, моддий ёрдам ва бандликни оширишга 2,6 триллион сўм қўшимча маблағ ажратилди.

Ўткир ижтимоий муаммо бўлиб келаётган аҳолини арзон уй-жойлар билан таъминлаш бўйича давлат дастури доирасида фақат жорий йилнинг ўзида 13 мингдан зиёд юртдошларимизга янги уйларнинг калити топширилди.

Шу билан бирга, Сардоба туманида офатдан зарар кўрган хонадонлар учун кўп қаватли янги уйлар, ижтимоий инфратузилма объектларини ўз ичига олган гўзал ва замонавий шаҳарча бунёд этилди.

Оғир турмуш шароитида яшаётган мингдан ортиқ хотин-қизларга уй-жой бўйича бошланғич бадаллар тўлаб берилгани ҳам ана шундай эзгу ишларимиз қаторига киради.

Фаол гендер сиёсати доирасида хотин-қизларимизнинг ижтимоий-сиёсий мавқеини мутахкамлаш бўйича жадал ишлар давом эттирилмоқда.

Буларнинг барчаси пандемия ва унинг оқибатида юзага келган иқтисодий ва ижтимоий инқирознинг салбий таъсирини юмшатиш имконини бермоқда ва халқимизнинг эртанги кунга бўлган ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Қадрли юртдошлар!

Конституциямизда ўз ифодасини топган адолат принципини амалда таъминлаш бўйича ҳам катта ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, камбағалликни қисқартириш мақсадида ижтимоий ёрдамнинг янги ва самарали механизмлари жорий этилмоқда.

Уйма-уй юриб аҳоли муаммоларини ўрганиш натижасида 2,5 миллиондан зиёд аъзоси бўлган 590 мингдан ортиқ оилани қўллаб-қувватлаш учун 840 миллиард сўм маблағ ажратилди. Хусусан, ҳар бир хонадондаги аёллар ва ёшларнинг эҳтиёжи, ҳаётий муаммолари

аниқланиб, 300 мингга яқин оиланинг меҳнатга лаёқатли аъзолари иш билан таъминланди.

Энг муҳими, одамларда эркин меҳнат қилиш, ишбилармонлик ва тадбиркорлик ҳисобидан камбағалликдан чиқиш тажрибаси ва кўникмаси шаклланмоқда.

Юрт бошига иш тушган оғир кунларда бизнес ҳамжамияти, тадбиркор ва фермерларимиз, меҳр-оқибатли фуқароларимиз иштирокида ташкил этилган “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракати инсонпарварликнинг яна бир юксак намоёни бўлди. Умумхалқ ҳаракати доирасида аҳолининг ижтимоий ёрдамга муҳтож тоифаларига 204 миллиард сўмлик ёрдам кўрсатилди.

“Янги Ўзбекистон – мактаб остонасидан бошланади”, деган ғоя асосида умуммиллий таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилишга мисли кўрилмаган эътибор қаратилмоқда. Илм-фан, маданият ва санъат, адабиёт, спорт соҳаларини ривожлантириш, маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, ёшларнинг, айниқса, қизларимизнинг истеъдод ва қобилиятини рўёбга чиқариш борасида ҳам кўп ишлар қилинмоқда.

Буларнинг барчаси юртимизда **Учинчи Ренессанс** – миллий тараққиётимизнинг янги даври пойдеворини яратишга хизмат қилади.

Яна бир муҳим конституциявий тамойил – инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш бўйича барча соҳаларда, айниқса, суд-ҳуқуқ тизимида чуқур ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бунинг тасдиғини кейинги тўрт йилда 2 минг 600 нафар фуқарога нисбатан оқлов ҳукми чиқарилиб, 2 минг 400 нафар шахс суд залидан озод қилингани, 7 та суд босқичи 3 босқичга келтирилиб, суд тизими **“бир суд – бир инстанция”** тамойили асосида қайта ташкил этилаётганида кўриш мумкин.

Мамлакатимизда Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий стратегия изчил амалга оширилмоқда.

Афв институтини қўллаш борасидаги ишларимиз изчил давом эттирилмоқда. Шу йилнинг ўзида билиб-билмай жиноятга қўл урган ва ўз қилмишидан пушаймон бўлган 300 дан ортиқ шахс афв этилиб, жазони ўташ жойларидан озод қилинди, 200 нафар маҳкумнинг жазо муддатлари қисқартирилди.

Узоқ вақт фуқароликка эга бўлмай келган инсонлар бугунги кунда ўзларини тўлақонли Ўзбекистон фуқаролари деб ҳис этмоқда. Ўтган йигирма беш йилда 482 нафар шахсга фуқаролик берилган бўлса, бугунги кунда 50 мингдан зиёд киши шу ҳуқуққа эга бўлмоқда. Бу эса Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг фуқаролиги бўлмаган инсонлар сонини камайтиришга қаратилган чақириғига муносиб жавоб бўлади.

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида кўчмас мулк сотиб олиш билан боғлиқ чекловлар бекор қилингани туфайли 40 мингдан ортиқ фуқаро пойтахт минтақасида сотиб олган уй-жойларини ўз номига расмийлаштириш имконига эга бўлди.

Муҳтарам ватандошлар!

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, халқ фаровонлигини ошириш борасида олиб борилаётган изчил сиёсат жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилмоқда.

Бу ҳақда сўз юритганда, шу йил сентябрь ойида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида Ўзбекистон томонидан илгари сурилган бир қатор глобал ва минтақавий ташаббуслар, аниқ амалий таклифлар халқаро миқёсда кенг қўллаб-қувватланганини таъкидлаш ўринлидир.

Октябрь ойида эса мамлакатимиз миллий давлатчилигимиз тарихида илк бор Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг асосий органларидан бири бўлган Инсон ҳуқуқлари кенгашига аъзо этиб сайланди.

Бу – биз олиб бораётган очиқ ва фаол ташқи сиёсатнинг яна бир катта ютуғи, десак, ҳар томонлама тўғри бўлади.

Мамлакатимизда инвестиция ва бизнес муҳити яхшиланаётгани, туризм ва экспорт салоҳияти юксалиб бораётгани, Халқаро меҳнат ташкилотининг стандарт ва қоидалари ҳаётга фаол татбиқ этилаётгани туфайли Ўзбекистоннинг халқаро рейтинглардаги ўрни йил сайин юксалмоқда.

Пандемия ва глобал иқтисодий инқироз сабабли юзага келган турли тўсиқ ва муаммоларга қарамасдан, ташқи алоқаларимиз тўхтаб қолмади. Қўшни ва ҳамкор давлатлар билан сиёсий ва савдо-иқтисодий, гуманитар соҳалардаги алоқалар узлуксиз давом этмоқда.

Хорижий мамлакатлардаги фуқароларимизнинг мавжуд муаммоларини тезкор ва ижобий ҳал этиш, уларга амалий ҳуқуқий ёрдам

